

Мева-сабзавотчилик қишлоқ хўжалигининг алоҳида эътибор талаб этадиган муҳим тармоғи саналади. Зеро, юртимизда минг йиллар давомида шаклланиб, ривож топиб келаётган бу соҳа эл-юрт маъмуриги омилларидан биридир.



Солиқ органи ходими текшириш ўтказаятган пайтда аниқланган ҳуқуқбузарлик ҳолати юзасидан ҳуқуқбузарлик предметини олиб қўйиш тўғрисида қарор қабул қиладими ва олиб қўйиш юзасидан акт тузилиши керакми?



Mustaqillik huquq demakdir



1997-yil 27-avgustdan chiqarib boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2011-yil 20-oktabr, №42 (771)

Аҳоли саломатлиги давлат муҳофазасида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан "Аҳолини сифатли дори воситалари билан таъминлашнинг аҳоли: муаммолар ва уларнинг ечимлари" мавзусига бағишланган конференция ўтказилди. Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутatlари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика Бosh прокуратураси, Бosh прокуратура ҳузуридаги СВОЖДАЛҚК Департаменти, Фармацевтика институти, бир қанча илора ва ташкилотлар раҳбарлари ва маъсул ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Анжуманда мамлакатимиз тиббиёт тизимининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, инсон саломатлигига хавф соладиган омилларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш, шунингдек, аҳолига юқори малакали тиббий хизмат кўрсатиш, фуқароларни сифатли дори воситалари билан таъминлашга жиддий эътибор қаратиб келинаётганлиги алоҳида эътироф этилди. Тадбир давомида аҳолининг дори воситаларига бўлган эҳтиёжини қондириш борасида сўз борар экан, кундалик шарт-шароитдан келиб чиққан ҳолда, қонун ва қонуности ҳужжатларининг амалиётдаги иж-

росини мунтазам равишда ўрганиб бориш, юзага келаётган муаммоларни, ўз ечимини кутаётган масалаларни бартараф этиш, соҳани янада ривожлантириш ва такомиллаштириб бориш мақсадга мувофиқлиги таъкидланди.

Конференцияда сифатли дори воситалари таъминоти масаласини янада яхшилаш, шу жумладан, фармацевтика фаолиятини лицензиялаш, дорихоналар ва фармацевтика корхоналарини кадрлар билан таъминлаш, уларнинг малакасини ошириш ҳақида, республика олимлари томонидан яратилаётган ва маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чи-

Гули ХОЖИБОЕВА,
«Huquq»

қарилаётган дори воситаларининг самарадорлиги ва безарарлиги масалаларини таъминлаш борасидаги муаммоларга эътибор қаратилди. Шу билан бирга, юқумли касалликларнинг республикада ҳудудига киришининг олдини олишда қўлланиладиган диагностика ва профилактика воситалари, шунингдек, қўллаш учун яроқсиз ҳамда сифатсиз дори воситалари муомаласига киришининг олдини олиш борасида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан амалга оширилган тадбирлар ва уларни такомиллаштириш бўйича аниқ таклифлар билдирилди.

Конференция якунида "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижросини таъминлашга ва уни такомиллаштиришга қаратилган тавсиялар берилди.

Бебаҳо бойлик

Юртимиз ва халқимиз мустақил бўлмаган мураккаб бир даврда муқаллас қадриятимиз саналган она тилимиз ўзининг қонуний мақомига эга бўлди. Бу — 1989 йил 21 октябрда давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг ташаббуси билан қабул қилинган "Давлат тили ҳақида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунидир.

Муҳаммаджон МАХМУДОВ,
меҳнат фаҳрийси

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ушбу қонун жаҳон ҳам-жамияти томонидан эътироф этилган талаб ва қоидаларга тўлиқ жавоб беради. Унда давлат тили билан бирга юртимиздаги барча миллат ва халқларнинг тилларини ривожлантириш, уларни давлат томонидан ҳимоя қилиш, тили, дини ва миллатидан қатъи назар, ҳар бир фуқаронинг ўз она тилида таълим, ахборот, керакли маълумот олиш каби ҳуқуқлари кафолатланиб, аниқ белгилар қўйилган.

Республикаимиз Конституциясида давлат тили мақоми ҳуқуқий жиҳатдан аниқ белгиланиб, мустаҳкамлаб қўйилган. Мустақиллик йилларида она тилимизни ривожлантириш, унинг давлат тили сифатида ҳаётиимиздаги ўрни, аҳамиятини кучайтириш, том мазоода миллий қадриятимизга айлантириш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Эндиликда давлат ҳокимияти, маҳаллий ҳокимиятлар ва бошқарув органларининг ҳужжатлари давлат тилида қабул қилинмоқда. Шунингдек, мамлакатимиз кўчалари, хибобнари, майдонлари ҳамда бекатлар миллий қадриятларимизга мос номлар билан аталган.

Юртбошимиз "Юксак маънавият — энгилмас куч" асарига шундай таъкидлаган эди: "Маълумки, ўз тилини англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади. Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало она аллиси, она тилининг бетакдор ҳозираси билан сингади. Она тили — бу миллатнинг руҳидир".

Ҳа, она тилимиз энг бебаҳо бойлигимиздир. Уни асраш ва ривожлантириш миллат зиёилари учун ҳамиша энг муҳим вазифа бўлиб келган. Мустақиллик йилларида бу ҳаракат қуд жазин тус олди. Ўзбек тилини илмий асосда ривожлантиришга қаратилган амалий ишлар, тадқиқотлар олиб борилди, тилимизнинг ўзига ҳос хусусиятларига бағишланган илмий ва оммавий китоблар, ўқув қўлланмалари, янги луғатлар чоп этилди. Буларнинг барчаси миллат барҳаётлигининг рамзи бўлган она тилини асраш ва уни янада ривожлантиришга қаратилгандир.

Жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлашнинг қонунчилик асослари янада такомиллаштирилди

Мустақиллик шарофати билан ҳуқуқий доктринамиз мутлақо янгича, умум-эътироф этилган демократик тамойилларга асосланган ҳолда инсон ҳуқуқларини устуворлиги асосида ривожлантириш. Зеро, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг муҳим йўналишларидан бири — бу инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини, аввало, асоссиз жиноий таъқиб ва шахсий даҳасизлик ҳуқуқлари муҳофаза этилишини таъминлаш ҳисобланади.

Шу боис, мамлакатимизда қонунчилик тизими инсонпарварлик гоялари билан йўғрилиб, демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш шароитида суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш ва либераллаштиришга, инсон ҳуқуқларини халқаро стандартлар даражасида мустаҳкамлашга қаратилган изчил, тизимли ва давомли ислохотлар босқичма-босқич амалга оширилиб, уларнинг қонунчилик асослари йилдан-йилга такомиллаштирилмоқда. Чунотки, Президентимиз Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўша мажлисида таъкидлаганидек, мамлакатимизда жиноий-ҳуқуқий сиёсатни такомиллаштиришда жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини янада либераллаштириш ва инсонпарварлик тамойиллари-

га мувофиқлаштириш энг муҳим йўналишга айланди.

2011 йил 26-27 август кунлари бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг олтинчи ялпи мажлисида маъқуланган "Жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида"ги ҳамда "Жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари айнан жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлашнинг қонунчилик асосларини янада такомиллаштиришга қаратилган бўлиб, ушбу қонунлар 2011 йил 5 октябрда расмий матбуотда эълон қилинди ва шу кундан эътиборан қуча кирди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мазкур қонунларни қабул қилишда ин-

сон ҳуқуқларига оид халқаро стандартларни ўзида мўжассамлаштирган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасида қабул қилинган ва бошқа қатор халқаро ҳужжатлар ўрганилган ҳамда уларнинг асосий қоидалари ушбу қонунларга сингдирилган. "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси" (1948 йил 10 декабрь), "Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт" (1966 йил 16 декабрь), "Қамоққа олинганлар билан муомалада бўлишнинг минимал стандарт қоидалари" (1955 йил 30 август), "Қамоққа олинганлар билан муомалада бўлишнинг Минимал стандарт қоидаларини самарали қўллаш жараёнари" (1984 йил 25 май), "Хар қандай шаклда ушлаб турилган ёки қамоққа олинган барча шахсларни ҳимоя қилиш принциплари тўғрисида" (1988 йил 9 декабрь), "Қамоққа олинганлар билан муомалада бўлишнинг асосий принциплари" (1990 йил 14 декабрь) шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, Хитой Халқ Республикаси, Россия Федерацияси, Беларусь Республикаси, Чехия Республикаси ва бошқа хорижий давлатларнинг айнан юқоридаги қонунларга ўхшаш қонунчилигининг ижобий ютуқлари ўрганилиб,

мазкур қонунларни тайёрлашда алоҳида эътибор қаратилган. Боиси, айнан ушбу давлатларда жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлашни тартибга солувчи махсус қонун қабул қилинган ва амалиётда самарали қўлланилаётганлиги кузатиш.

Дастлаб, "Жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида"ги Қонуннинг мазмун-моҳияти ҳақида тўхталиб ўтамиз. Мазкур Қонун миллий қонунчилигимизнинг илгор тажрибаси ҳамда замонавий халқаро ҳуқуқий нормалар уйғунлигига асосланган 8 боб ва 59 моддадан иборат бўлиб, унда қамоқда сақлашнинг асосий принциплари, ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларнинг ҳуқуқий ҳолати, қамоқда сақлаш жойлари тизими, ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, уларга нисбатан қўлланиладиган раббатлантириш ва интизомий жазо чоралари, қамоқда сақлаш жойларида қўриқлаш ва назоратни таъминлаш, шунингдек, уларни қамоқдан озод қилиш билан боғлиқ муносабатлар инсон ҳуқуқлари устуворлигини таъминлаш принциpidан келиб чиқиб тартибга солинган.

(Давоми 7-бетда)

Тамагир эксперт

Замонали Эмүролов коллежа ўқитувчи бўлиб ишлайди. Ўша кун у навбатчи эди. Бир пайт йўлакка талаба-бала тўполон кўтариб қолишди. Замонали уларни тинчлантириб, дарсаарига киритмоқчи бўлган эди, бир талаба унга беҳурматлик қила бошлади. Ҳатто куч ишлатишгача борди. Бундан бироз асабланишган ўқитувчи Достон Мамаевни тартибга чақириш мақсадида бир тарсаки туширди. Ҳаммаси шундан сўнг бошланди. Уч кун ўтиб, маҳалла раиси чақириғи билан унинг хонасига кирган Замонали Достоннинг отаси Тошмурод акага дуч келди.

— Ўғлимни уриб, майиб қилибсан. Мияси чайқалиб, шифохонада ётибди, — гап бошлади Тошмурод ака.

— Йў-е? — хайрон бўлди Замонали.

— Энди тортишиб юрмасдан, ярашиб олинглар. Шифохонага кетган харажати тўлаб бер, — суҳбатга қўшилди маҳалла раиси.

— Ундай бўлса майли, доридармон учун қанча харажат кетган бўлса, қантациясини кўрсатинг, пулини тўлаб берман, — деди муроа йўлини тутган Замонали.

Аммо осмондан келиб, бир ярим миллион сўм бериш ке-

Улугбек МУҲАММАДИЕВ,
Самарқанд вилоят
прокуратураси бўлим бошлиғи

раклини, акс ҳолда ёмон бўлишини айтган аламзада ота ўқитувчидан шикоят қилиб, участка нозирига мурожаат қилди. Профилактика нозир Я.Холмўминов Замоналидан ҳолат юзасидан тушунтириш хати олиб, туман суд тиббий экспертизасига Д.Мамаевнинг тан жароҳати олганлиги бўйича суднинг тиббий экспертиза ўтказиш ҳақидаги қарорини тақдим қилди. Туман суд эксперти Ш.Жўраев эса мазкур қарор асосида Д.Мамаевни текширувдан ўтказиш бўлди. Суд тиббий текшируви давомида Достоннинг танасида жароҳатлар аниқланмаганлиги сабабли нейрхирург маслаҳати керак бўлди. Шу сабабли эксперт Ш.Жўраев ҳужжатларни вилоят суд тиббиёт экспертизаси бюросига тақдим қилди ва нейрхирург маслаҳатини кута бошлади.

Бу пайтда устидан жиноий иш кўзгатирилганини эшитган Замонали экспертнинг олди-га бориб, ўзини таништириб, Достоннинг экспертизаси хулосаси ҳақида сўради. Ш.Жўраев туман шифохонасидан берилган касаллик варақасида Д.Мамаевга "мия чайқалиши" ташхиси қўйилганини айтиб, шунга асосан хулоса берадиган бўлса, у жиноий жа-

вобгарликка тортилиши, қамалиши мумкинлигини писанда қилди. Бу гапдан эсхонаси чиқиб кетмаган Замонали "Мен Достонни бу даражада урмаганман. Бор-йўғи бир тарсаки туширган эдим", деди оёқ-қўли бўшашиб.

Унинг тушунлиққа тушиб қолганини кўрган эксперт имкониятдан фойдаланиб қолмоқчи бўлди:

— Агар харажати берсанг, хулосани сенинг фойданга тўғрилаб бераман. Шунда судланмайсан, факатгина маъмурий жарима билан қутуласан.

Экспертнинг "ёрдами"ни эшитиб, ўзига келган Замонали харажати қанча бўлишини сўраган эди, у 400-500 минг сўм бўлишини айтди. Буни эшитган Замонали ўқитувчи бўлиб ишлаганини, бунча маблағни беролмаслигини айтиб, қаматиришни сўрай бошлади. Анча-мунча қилинган илтимослар натижасини бериб, эксперт 300 минг сўмга "фойдали" хулосани тўғрилаб берадиган бўлди. Шундан сўнг у "Пулни қанча берсанг", деб телефон қилаверди. Замонали айтилган пулни тўплай олмасда, бу ҳақда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларига ариза билан мурожаат қилишга мажбур бўлди. Хизмат маквидан фойдаланиб, қилаётган иш қонунга хилоф эканини билса-да, пора эвазига бойлик орттиришга уринган эксперт Шерамат Жўраев жиноят устида қўлга олинди. Ишчи аτροφлика ўрганиб чиққан суд Ш.Жўраевга нисбатан 6 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Ҳалолликка, ҳалол яшашга нима етсин! Шу маънода, яқин ўтмишда улабуронлиги боис бизнес ёки тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлганларга талай ғовлар тўсқинлик қилар, аксарият ҳолларда бундай фаолият таъқиб ҳам қилинар эди. Истиқлолга эришишгач, у қунар ортада қолди. Энди бундайларга ҳам ўзларига, ҳам жамиятга фойда келтиришлари учун барча керакли шарт-шароитлар яратиб берилди. Бирор ишни бошлашга лаёқатинг борми, марҳамат, зарур ҳужжатларни расмийлаштиргин-да, ишга кириш. Фақат ҳаммасини қонун доирасида бажарсанг бўлгани.

Ножўя иш — келтирар ташвиш

Гофуржон РАҲМОНОВ,

СВОЖДЛҚК Департаментининг Вобект туман бўлими бошлиғи

Афсуски, ана шундай имкониятлардан фойдаланиб фаолият юритаётганлар орасида қонунни четлаш орқали даромад топиш илмиёқда юрганлар ҳали-ҳануз учра турибди. Бухоро вилоят Давлат солиқ бошқармасининг "Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш" бошқармаси ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган тезкор тадбирда Вобект Марказий бозорида жойлашган савдо дўкониди тегишли рухсатномасиз алкоголь маҳсулотлари билан савдо қилиш ҳолати аниқланган. Маълум бўлишича, яқка тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи Д.Алиева фуқаро Ш.Мухамедовга 410 минг сўмлик арок маҳсулотларини сотган экан. Бундан ташқари, унга тегишли бўлган оғборхона кўздан кечирилганда, турли номдаги жами 1 млн. 165 минг сўмликдан зиёд тамаки ҳамда алкоголь маҳсулотлар, ҳар хил сиймидидаги пластмасса идишлардаги 115 литр пахта ёғи борлиги аниқланиб, тегишли тартибда расмийлаштирилди ва ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Шунингдек, ўтказилган тадбирларда туманнинг Ф.Ғулом кўчасидаги хонадонда истиқомат қилувчи А.Исомовнинг ўз уйда чигитдан қонунга хилоф равишда ишлаб чиқарилган шрот савдоси билан шуғулланаётганлиги маълум бўлди. Ўша кун у бир фуқарога 50 кг. шротни 47500 сўмга сотган экан. Унинг уйдан эса, яна 503 кг. шрот маҳсулоти топилди.

Қонунни четлаб ўтаётганларнинг сафида хорижий валюта олди-сотдиси билан шуғулланаётганлар ҳам йўқ эмас. Масалан, туманнинг С.Ярашев кўчасида жойлашган автобекат ёнида О.Нематов 5 минг АҚШ долларини 11 млн. 950 минг сўмга сотганлиги аниқланиб, ҳужжатлар расмийлаштирилган.

Ҳа, ножўя иш — келтирар ташвиш, дея бежиз айтимаган. Бу гапнинг нақадар ҳаққонийлигига юқорида исм-фамилилари келтирилганлар ана бир бор амин бўлишган бўлса, ажаб эмас.

Сохта ҳунарманд

Рустамжон РАҲИМОВ,

СВОЖДЛҚК Департаментининг бўлим бош инспектори

Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖДЛҚК Департаментининг Жиноий фаолиятдан олган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишни тезкор таъминлаш бўлими томонидан назорат қилинмайдиган даромад орттиришни мақсад қилиб олган сохта тадбиркорлар фаолиятига чек қўйиш, ички бозорда соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган бир қатор самарали тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Хусусан, ўтказилган тадбирлар натижасида аниқланишича, Тошкент шаҳрида истиқомат қилувчи фуқаро Г.Абрамов яқка тартибдаги меҳнат фаолиятининг "кашта тикувчи ва сотувчи ҳунарманд" тури билан шуғулланиш учун давлат рўйхатидан ўтиб, ҳуқуқимиз томонидан солиқ ва бошқа тўловлар бўйича ҳунармандларга берилган имтиёзлардан фойдаланиш учун "Ҳунарманд" ассоциациясига аъзо ҳам бўлган.

Аммо Г.Абрамов каштачилик ва маданият буюмларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳақида ўйлаб ҳам қўрмаган. Бунинг ўрнига, чакана савдо гувоҳномасини ҳам олмасдан, мамлакатимизнинг турли ҳудудларида фаолият юритувчи ҳунармандлар ва махсус дўконлардан 1970-2000 йиллар мобайнида ишлаб чиқа-

рилган тарихий тикув ва каштачилик буюмларини сотиб олиб, уларга тегишли сертификатларни расмийлаштириб, чет элга хориж валютасида сотишни йўлга қўйиб олган экан.

Буни қарангки, ушбу тадбиркор ҳар соҳада улабурон бўлиб, хорижга экспорт қилган буюмлар учун тушган валюта маблағларини ҳисоботларда акс эттирмаганининг ҳам улдасидан чиққан. Банкда хусусий тадбиркор сифатида эмас, балки оддий фуқаро сифатида валюта ҳисоб рақамини олган.

Оқибатда, Г.Абрамов чакана савдо фаолиятини махсус рухсатномасиз амалга ошириб, миллий ҳунармандчилик буюмларини интернет аукцион савдоси орқали хорижга сотишдан келиб тушган 1019,1 минг АҚШ долларининг 50 фоизи, яъни 509,5 минг АҚШ долларини давлатга мажбурий сотишдан бўйин товланган.

Бундан ташқари, Г.Абрамов ҳунармандлар учун берилган имтиёзлардан асоссиз фойдаланиб, 14,5 млн. сўмлик солиқларни тўлашдан қасддан бўйин товланган.

Мазкур ҳолат юзасидан Департамент томонидан Г.Абрамовга нисбатан ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноий иш кўзгатилиб, суднинг ҳукми билан тегишли жавобгарлик белгиланди.

Ҳар соҳада қўллаб-қувватланмоқда

Вилоятимизда кичик бизнес ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда янги иш ўринлари яратиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Худудда рўйхатдан ўтган тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан, кичик бизнес, қўшма ва чет эл корхоналари, фермер ҳўжаликлари тўғрисидаги статистик ва бошқа маълумотлар таҳлил қилиниб, уларнинг фаолият кўрсатмаётганликлари сабаблари ўрганилиб, бартараф этиш чоралари қўйлаётир.

Банклар томонидан тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида 2011 йилда 95 млрд. сўмлик кредит маблағлари ажратилиши кўзда тутилган. Вилоятдаги мавжуд 9 та тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига барча молиялаш манбалари ҳисобидан жорий йилнинг 8 ойида жами 67 млрд. 749 млн. сўм кредит ажратилиши режалаштирилган бўлиб, амалда 68 млрд. 443 млн. сўм кредит берилган ва белгиланган режа 101 фоизга бажарилган.

Кишлоқ шароитида инфратузилма яратиш бўйича аҳоли ўртасида ўтказилган сўровнома-ларда жорий йилда виллоятнинг ҳар бир маҳалласида 5 тадан ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш субъектлари ҳақида 10 тадан 20 тагача янги иш ўринлари яратиш бўйича манзилли дастур ишлаб чиқилгани маълум бўлди. Мазкур дастурга қўра, вилоят кишлоқларида жами 1631 та ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш субъектлари ташкил этилиб, 4892 та янги иш ўринлари яратилиши борасида кенг қўламли ишлар олиб борилапти.

Бугунги кунда виллоятнинг ҳар бир кишлоқ ва аҳоли пунктларида жами 1441 та ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш объектлари ташкил этилиб, уларда 4265 та янги иш ўринлари яратилган.

Шунингдек, вилоят прокуратураси органлари томонидан ҳам тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди.

Соҳада эътиборга лойиқ тадбирлардан яна бири, ҳафтанинг ҳар жума кун иш вилоят ҳоким-

лигида мутасадди идора раҳбарлари иштирокида "Очик эшиклар кун"нинг ўтказилишидир. Ўз фаолиятида ер ажратиш, бўш бинолардан фойдаланиш, тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш мақсадида кредит олишга доир муаммолар бўйича 2011 йилнинг ўтган даврида 200 дан зиёд тадбиркорларнинг мурожаати вилоятда тааллуқли идоралар, бошқармалар ва ташкилотлар раҳбарлари иштирокида ўтказилаётган "Очик эшиклар кун"да муҳокама қилиниб, аниқ чора-тадбирлар белгиланиши натижасида ўз ечимини топмоқда.

Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этиш, тадбиркорлик субъектларини белгиланган муддатлар давомида рўйхатдан ўтиши, имтиёзли кредит ресурслари ажратилиши, "007" рақамли ишонч телефонларига келиб тушган мурожаатлар назоратга олиниб, қонуний ҳал этилиши, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига яратилган мавжуд имтиёзлар ва перференциялардан фойдаланиш имкониятлари яратилиши устидан қатъий назорат ўрнатилди.

Бундан ташқари, жойларда ўтказилаётган учрашувлар, мулоқотлар, оммавий ахборот воситалари ёрдамида олиб борилаётган тарғибот ишлари тадбиркорларнинг ҳақ-ҳуқуқларини тушунтириш, соҳани ривожлантириш ва янги босқичга олиб чиқишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Кичик бизнес ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш юзасидан вилоят ҳокимлиги, прокуратура ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда мутасадди идоралар билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Бу йўналишлардаги қонунлар ижроси устидан прокурор назорати кучайтирилиб, тадбиркорликни ривожлантиришда ву-жудга келадиган ҳар қандай тўсиқларни бартараф қилиш, тадбиркорларга қонуний ёрдам кўрсатилиши таъминланмоқда.

А.УРАЛОВ,

Сирдарё вилоят прокуратураси бўлим прокурори

Бола ҳуқуқлари ҳимояси — устувор вазифа

Маълумки, ҳар қайси мамлакатнинг демократик тараққиёт даражасини кўрсатувчи энг муҳим ва ҳал қилувчи мезон, шак-шубҳасиз, инсон ҳуқуқларидир.

Бугунги кунда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг халқаро ва миллий механизмлари изчил такомиллашиб бормоқда. Ҳуқуқнинг алоҳида соҳаси сифатида шаклланиб бўлган инсон ҳуқуқларининг ўзи ҳам айни пайтда янада ихтисослашмоқда. Инсон ҳуқуқлари соҳасида "Аёллар ҳуқуқлари", "Ногиронлар ҳуқуқлари", "Маҳкумлар ҳуқуқлари", "Беморлар ҳуқуқлари" каби алоҳида категориядаги шахслар ҳуқуқлари шаклланди.

Бундай алоҳида категориядаги ҳуқуқли шахслар, ўзининг жисмоний ва ижтимоий аҳоли, алоҳида эътибор талаб этиши туфайли жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида риовожлана олиши билан бир қаторда, алоҳида ҳуқуқлар, имтиёзлар ҳамда кафолатлардан фойдаланади.

Шу нуқтаи назардан, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ тизимида жисмоний ва ақлий жиҳатдан камолотга етмаган, махсус равишда муҳофаза ва гамхўрликка, бинобарин, туғилгунча ва туғилгандан кейин ҳам муносиб даражадаги ҳуқуқий ҳимояга муҳтож болаларга тақдим этилаётган алоҳида ҳуқуқлар, имтиёзлар ва кафолатларни қамраб олуви — "Бола ҳуқуқлари" деган инсон ҳуқуқларининг алоҳида соҳаси шаклланди.

Инсон ҳуқуқлари тизимида бола ҳуқуқлари ўзига хос тарих ва халқаро-ҳуқуқий тараққиёт йўлини босиб ўтган муҳим соҳа бўлиб, инсон ҳуқуқлари концепциясининг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади.

Ҳап инсон ҳуқуқлари тизимида бола ҳуқуқларининг халқаро-ҳуқуқий асослари ҳақида бораркан, бу борада 1989 йил 20 ноябрда қабул қилинган БМТнинг асосий шартномаларидан бири

— Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни алоҳида тилга олиш лозим. Чунки, мазкур конвенция, авваламбор, бола ҳуқуқлари бўйича кодификацияланган махсус халқаро ҳужжат бўлиб, бугунги кунда ушбу халқаро шартнома бола ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишни мустаҳкамлашнинг ҳамда давлатларaro ҳамкорлик муносабатларининг бош ҳуқуқий асосини ташкил этади. Шунингдек, айни пайтда ушбу конвенция бола ҳуқуқлари соҳасидаги миллий қонунчиликнинг риовожланиши учун халқаро-ҳуқуқий мезон бўлиб хизмат қилмоқда.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида инсон ҳуқуқларига оид БМТнинг 6 та асосий шартномаси ва 70 дан ортқ универсал ва минтақавий халқаро шартномаларни тан олган.

Айниқса, 1992 йилда Ўзбекистон Республикасининг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга қўшилиши бола ҳуқуқларига оид давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишлари ва устувор вазифаларни белгилашга ҳамда бола ҳуқуқларини амалга ошириш ва ҳимоя қилиш билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг самарали механизмини ишлаб чиқишга хизмат қилди.

Бундан ташқари, бола ҳуқуқларини таъминлашда мамлакатимиз "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси", "Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида" ги халқаро Пакт ҳамда "Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида" ги халқаро Пакт каби ҳужжатларда мустаҳкамланган нормаларга таянади. Шу билан бирга, БМТнинг балоғатга етмаган болаларга нисбатан одил судлов юритишга доир минимал стан-

дарт қоидалари (Пекин қоидалари), БМТнинг балоғатга етмаган болалар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган дастурий принциплари (Ар-Риёд дастурийи принциплари) ва БМТнинг бошқа тавсиялари одил судлов соҳасида бола ҳуқуқларига оид миллий қонунчиликни шакллантириш ва такомиллаштиришда муҳим ўрин тутиб келмоқда.

Шуни айтиш керакки, мамлакатимизда мустақил демократик тараққиётнинг дастлабки йиллариданоқ инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳуқуқнинг умум-этироф этилган принциплари ва нормалари устуворлиги таъминлига таяниб, бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини босқичма-босқич ислох этиш, бола ҳуқуқларига оид халқаро ҳуқуқ нормаларини икки қонунчиликка имплементация қилиш ва бу борада миллий қонунчиликни такомиллаштиришга жиддий эътибор қаратилаётган, воғна етмаганларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни кўзда тутичи муҳим ҳуқуқий ислохотлар ва кенг қўлмали дастурий чора-тадбирлар амалга оширилди.

Жумладан, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Соғлиқни сақлаш тизимини ислох этиш бўйича давлат дастури, Мактаб таълимининг ривожлантириш умуммиллий дастури ҳамда 2007-2011 йилларга мўлжалланган Миллий ҳаракат дастури қабул қилинганлиги ушбу йўналишда амалга оширилган муҳим ислохотлар бўлди.

Бошқача айтганда, Конвенция мазмунини ва талабларидан келиб чиқиб, жамиятимизда бола ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ислохотлар ўзида қуйидаги устувор йўналишларни қамраб олди:

биринчидан, боланинг

ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш;

иккинчидан, боланинг ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилиш; учинчидан, боланинг камситилишига йўл қўймастик;

тўртинчидан, боланинг шайни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш;

бешинчидан, болалар

ҳуқуқлари ва имкониятларининг тенглигини таъминлаш.

Ҳорижий мамлакатлар тажрибаси ва амалиёти таҳлили шуни кўрсатадики, болалар ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш тизими беш жиҳатдан қўриб чиқилади ва ҳал қилинади. Булар қонунчилик, дастурий, бошқарув, ижро ва маърифий соҳаларда.

Ўзбекистонда ҳам бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизими бир қанча йўналишлар асосида амалга оширилаётган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

Қонун чиқариш жиҳатидан. Аввало, шуни таъкидлаш керакки, мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормалари устуворлигини таъминлаш, бола ҳуқуқларига оид миллий қонунчиликни халқаро стандартларга мослаштириш, халқаро шартномалар асосида олинган халқаро мажбуриятларни бажаришнинг ҳуқуқий тартибга солиш борасида муҳим қонун ижодкорлик фаолияти амалга оширилди.

Бугун Конституциядан бошлаб жорий қонунларгача, ҳоҳ у ижтимоий-иқтисодий, ҳоҳ у сиёсий соҳа бўладими, барча-барчаси халқаро ҳуқуқнинг умум-этироф этилган тамойиллари ва нормалари асосида ислох қилинмоқда.

Бу эса айни пайтда Ўзбекистонда халқаро ҳуқуқий стандартларни имплементация қилиш

Омонулла МУҲАММАДЖОНОВ,
ТДЮИ проректори,
юридик фанлар доктори

пўхта, тизимли ва доимий жараёнга айланганлигини кўрсатади. Бутун бир қонунчилик тизими халқаро ҳуқуқ принциплари ва нормалари талаблари асосида қайта қўриб чиқилмоқда.

Шунга қўра, Ўзбекистонда бола ҳуқуқлари бўйича 100 дан зиёд қонунлар, Ўзбекистон Республикасининг Президентининг Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Энг муҳими, Ўзбекистонда бола ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича комплекс ҳуқуқий асослар яратилган.

Айниқса, "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида" ги Қонун Ўзбекистоннинг ҳуқуқий тарихида бола ҳуқуқларига оид биринчи алоҳида қонун бўлди. Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ушбу қонунда давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

Қонун илк мартаба, бола (болалар), етим, ижтимоий муҳтож, ногирон болалар тушунчаларининг аҳамиятини, бола ҳуқуқларини таъминлаш ва уларни амалда жорий қилиш учун зарур шароитларни яратиш борасида давлат сиёсатининг асосларини, давлат органлари ва фуқароларнинг жомат билрлашмаларининг ваколатлари ва асосий фаолият йўналишларини, бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилишга оид қонуний кафолатларни белгилайди ва бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлиқни назарда тутди.

[Давоми 8-бетда]

Қонунлар беписандликни ёқламайди

Мамлакатимизда ҳалол меҳнат қилиб, юрт бойлигини қўпайтириш баробарида ўзим ҳам бадавлат яшайман, деганлар учун барча имкониятлар етарли бўлиб, улардан белгиланган тартиб-қоидалар асосида фойдаланаётганларнинг иши юришиб, даромади қўпайиб бормоқда. Аммо шони қурмакисиз бўлмаганидек, мўмай даромадини кўзлаб, қонунларни четлаган ҳолда фаолият юритаётган сохта тадбиркорлар ҳам учраб турибди. Бундайлар қонунга чап беришга қанчалик ҳаракат қилмасинлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ҳоимларидан қочиб қутулишомаяпти.

Бўлимиз ҳодимлари томонидан Давлат солиқ инспекцияси вакиллари билан ҳамкорликда ўтказилган текширишда Янгйқўрган туманидаги Нанай қишлоқ фуқаролар йиғини, Қайроқи маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудига яшовчи С.Турғунов ҳамда Наманган шаҳар 3-а" кичик туман 61-уй, 16-хонадонда яшовчи Р.Абдуразоқовларнинг ўзаро тил бириктириб, С.Турғуновнинг хонадонидан ҳеч қандай ҳужжатсиз, қонунга хилоф равишда дорихона очиб савдо қилаётганликлари аниқланди. Улардан 226 турдаги 1 млн. 124 минг сўмлик доридармон воситалари ашёвий далил сифатида олинди. Ачариларис, мазкур доридармонлар махсус текширувдан ўтказил-

ганда уларнинг сифатсизлиги аён бўлди. Бейхитёр ўйланиб қолсан, киши. Нахотки, инсон тақдирига шунчалар бепарқ қараш мумкин бўлса? Ахир дорилар шифо топиш илминикида сотиб олинди, аммо у дардга малҳам бўлиш ўрнига, зиён етказса-чи?! Ҳа, нафс гирдобига тушиб қолган бундай кимсалар учун инсоф ҳам, диёнат ҳам пул, уларнинг ҳамёнлари қаппайса бўлди.

Афсуски, шунга ўхшаш ҳолатларни яна учратиш мумкин. Масалан, туман халқ таълими бўлимига қарашли 33-сонли мактабгача таълим муассасасининг ҳужжали ишлари бўйича мудир И.Дадабоевнинг қилмишини олсак. У ўзига ишониб топширилган вазифа — тумандаги таълим муассасаларининг қиш мавсуми учун олиб келинган қўмир ёнилгисини қабул қилиб олиш, мактаб ва боғчаларга тақсимлаш, тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш ва шунингдек, таълимни молиялаш бўлими ҳисобхонасига ҳисобот топшириш ваколатини суиистеъмол қилган. Ўзининг моддий жавобгарлигидаги 275 тонна қўмирнинг 43,3 тоннасини Наманган тумани Ровут қишлоғига яшовчи Д.Ражабов ҳамда Т.Алиевларга 2 млн. 814 минг 500 сўмга сотиб юборган. Бу сафар ҳам тизим ҳодимларининг ҳушёрлиги иш берди.

Қонунга чап бермоқчи бўлган олғирларнинг қилмишлари фож этилди.

Энди бир ўйлаб кўринг, шунча ёнгли талон-тороғ қилиниб, енг ичида иш битириб юборилди, дейлик. Ҳўш, бунинг касрини, азобини ким тортади? Эртанги совуқ қонларда қўмир йўқлигидан дийдираб ўтирадиган ўқувчилар қилларнинг фарзанди? Ўзимизнинг эмасми? Бугунги ўқувчилар — эртангинг эгалари-ку! Нахотки шунини ўйлаб кўрмасак? Нахотки айрим кимсаларнинг нафси фарзандлар камолидан устун бўлса?!

Наанайлик И.Мирзаев ҳамда К.Худойкуловларнинг хатти-ҳаракатлари эса янада ажабланили. Бири пул, иккинчиси эса сохта ҳужжатлар таъминотини зиммасига олган бу азаматлар Ўйчи тумани Жийдақапа қишлоғидаги минерал ўғитлар сотиладиган махсус дўкандан 174 қоп "нахотки" минерал ўғитининг ҳар бири қопини 19 минг 300 сўмдан, яъни 3 млн. 358 минг 200 сўмга сотиб олишган. Махсулотнинг ҳар бири қопини икки ҳисса ортиси билан сотиб, 3 млн. 79 минг 800 сўм мўмай даромад қўришни кўзлаган шовқозлар ўғитни Нанай қишлоғининг Қизилёзи маҳалласида яшовчи Д.Мирзаевнинг хонадонига туширишган. Шундан кейин тезкор ҳодимлар томонидан мазкур товар моддий бойлик-

Обидхон МҲМИНОВ,
СВОЖДЛҚК Департаментининг
Янгйқўрган туман бўлими бошлиғи

лар ашёвий далил сифатида олинди, назорат қилинмайдиган фойда олишни мақсад қилган Илёс ҳамда Қобилжонга нисбатан ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилди. Агар ана шундай устамонликларга қонун йўли билан вақтида чек қўйилмаса, нарх-навоининг сунъий равишда кескин ошиб кетиши ҳеч гапмас.

Афсуски, бундай мисолларни яна қўллаб келтириш мумкин. Табиийки, бу каби ҳолатларнинг хотимаси муқаррар жазо билан тугайди. Бироқ, қўрилаётган чора-тадбирлар, жойларда ўтказилаётган учрашувлар ҳамда давра сўхбатларида олиб борилаётган тушутириш ишларига қарамай айрим фуқаролар қонунсиз иш тутишни, элнинг молига кўз олайтириб, қинғир йўллар билан даромад орттиришни касб қилиб олишгача етиб боришмоқда. Лексин улар унуттишмасинки, нафс — тубаниликка, чоғга элтади. Эртани-кечми, барибир қонуннинг темир панжасига илинишади, аммо унда кеч бўлади. Зотан, кўза кунда эмас, кундагина синади.

Доимий назоратда

Мева-сабзавотчилик қишлоқ ҳўжалигининг алоҳида эътибор талаб этадиган муҳим тармоғи саналади. Зеро, юртимизда минг йиллар давомида шаклланиб, ривож топиб келаётган бу соҳа эл-юрт маъмуриги омилларида биридир.

Бош прокуратура томонидан Ўзбекистон Республикасининг мева-сабзавотчиликка оид қонун ҳужжатларининг ижроси доимий назоратга олинган. Ўтказилган назорат тадбирлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 28 июндаги "Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этишни тақомиллаштириш тўғрисида" ги ҳамда 23 ноябрдаги "2011 йилда мева-сабзавот маҳсулотлари, картошка, полиз ва узум ишлаб чиқариш ҳамда улардан фойдаланиш прогнози параметрлари тўғрисида" ги Қарорларида белгиланган вазифа ва функциялар айрим мансабдор шахслар томонидан етарлича ижро қилинмаганлигини кўрсатмоқда.

Биргина 2011 йилда қайта ишлаш (тайёрлов) корхоналари билан фермер ҳўжаликлари ўртасида 3,9 млрд. сўмлик 51,3 минг тонна маҳсулот етказиб бериш бўйича 755 та шартномалар тузилмаган бўлса, 2,7 млрд. сўмлик 110 минг тонна маҳсулот етиштириш бўйича тузилган 462 та шартномалар белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилмаган.

Масалан, Оққўрғон туманида 330 та фермер ҳўжаликлари билан 17,7 минг тонна, Учқўрғон туманида 22 та фермер ҳўжаликлари билан 3,6 минг тонна мева-сабзавот маҳсулотлари етказиб бериш бўйича шартномаларни тузиш ва рўйхатдан ўтказишда қонунбузилишига йўл қўйганликлари учун туман қишлоқ ва сув ҳўжалиги бўлими мутахассислари Қ.Омонов ва Д.Нишонновлар интизомий жазога тортидлар.

Жойларда фермер ҳўжаликлари мева-сабзавот етиштириш учун ажратилган ер майдонларидан мақсадсиз фойдаланишга имконият яратиб берилганини қандай тушуниш мумкин? Хўссан, Шўрчи туманидаги "Улугназар ҳўжи" фермер ҳўжалиги раҳбари Х.Чориев 2,6 гектар тоқзорни бузиб, шу ҳудудда яшовчи фуқароларга яқка тартибда уй-жой қуриш учун ажратиб берган.

Шўнингдек, Чортоқ туманидаги "Дамира Роҳила" фермер ҳўжалиги раҳбари А.Олимов ҳўжалигининг мева-сабзавот маҳсулоти етиштириш учун ажратилган 19 гектар ерини 6 нафар фуқарога яқка тартибда уй-жой қуриш учун ва бошқа мақсадларга ажратиб берган.

Мазкур ҳолатлар юзасидан жиноят ишлари қўзғатилиб, айбдор шахсларнинг жавобгарлик масаласи ҳал қилинди.

Шу каби, Фаллаорол туманидаги "Алимул Арслонбек" фермер ҳўжалиги раҳбари О.Файбуллаев ҳўжалигининг 2,8 гектар ер майдонини 15 млн. сўмга сотиб юборганлиги учун қўзғатилган жиноят иши бўйича суд олдида жавоб бермоқда.

Қизирик туманидаги "Насиба Ўткит", Ургут туманидаги "Шерзод-Фарход-Сунбула", Ёзёвон туманидаги "Абдурахим ота", Сайхунбод туманидаги "Нуриддин кизи Саодат", Тўрақўрғон туманидаги "Исмоил Ёкубжон Саломат", Бўжор шахридаги "Феруз-Фозилобод" фермер ҳўжаликлари раҳбарлари ҳам мева-сабзавот ва узум маҳсулотлари етиштириш учун ажратилган ерлардан бошқа мақсадларда фойдаланганликлари учун маъмурий жазога тортидлар.

Айрим ҳолларда мевали дарахтларни рухсатсиз кесиб юборилишига ҳам йўл қўйилган.

Масалан, Қўрғонтепа туманидаги "Хонобод ҳўсусий богони" фермер ҳўжалиги раҳбари В.Бозоров 75 донна нок дарахтини рухсатсиз кесиб, ўсимлик дунёсига 7,4 млн. сўм, Янгиариқ туманидаги "Юлдашев Оллазар" фермер ҳўжалиги раҳбари М.Йўлдошева 219 донна ўрик, олма ва нок дарахтларини ноқонуний равишда кесиб, 4,3 млн. сўмлик зарар етказганлиги учун жиноий жавобгарлик масаласи ҳал қилинган.

Амударё туманидаги "Самад СХА", Поп туманидаги "Ҳожиева Гулшаной", "Сайфиддин Илҳомжон Комиловлар", "Ҳайдарали Азизбек Топсиновлар", Наманган туманидаги "Ал-Ғофур имкон", "Тўғунов Довудхон", Данғара туманидаги "Файзулло Ҳолматов", "Саодат сирни", "Машрапов Алимардон Эсонбоевич" фермер ҳўжаликлари раҳбарлари томонидан ҳам кўп йиллик мевали дарахтлар ноқонуний равишда кесиб ташланганлиги учун улар маъмурий жазога тортидлар.

Айрим фермер ҳўжаликлари томонидан сабзавот маҳсулотларини парваришлашда агротехника қоидаларига риоя қилинмаган.

Фаллаорол туманидаги "Темурбек боғи" фермер ҳўжалиги раҳбари Э.Мухамедов 4 гектар, Олтинсой туманидаги "Янгиланиш сари" фермер ҳўжали-

ги раҳбари Б.Саидов 1 гектар боғни агротехника талаблари асосида парвариш қилмасдан, бегона ўт босиб кетишига йўл қўйган бўлса, Сирдарё туманидаги "Парда туркман" фермер ҳўжалиги раҳбари Т.Дардаев 3 гектар тут плантациясига бирор марта агротехник ишлов бермасдан, қаровсиз ташлаб қўйган. Мазкур ҳолатлар юзасидан ҳўқуқбузарлар маъмурий жазога тортидлар.

Шўнингдек, 2010 йил ҳамда жорий йилнинг 6 ойида қайта ишлаш (тайёрлов) корхоналари томонидан мева-сабзавотчилик йўналишидаги фермер ҳўжаликлари билан тузилган шартномага асосан берилиши лозим бўлган 15,4 млрд. сўмлик аванс пуллари тўланмаган.

Бундай ҳолатлар, Тошкентда 3 млрд., Наманганда 2,6, Андижонда 2,1 млрд., Сурхондариёда 405 млн., Қашқадариёда 259, Хоразмда 208, Сирдарёда 197, Бўжорода 108 ва Навоийда 142 млн. сўмини ташкил қилган. Ёки, тузилган шартномага асосан етказиб берилган маҳсулот учун фермер ҳўжаликлари 224 млн. сўм ўз вақтида тўлаб берилмаган. Бу асосан, Самарқанд (201 млн.), Фарғона (10 млн.), Хоразм (9,6 млн.) ва Тошкент (3 млн.) вилоятларига тўри келади.

2010 йил ва 2011 йилнинг 1-ярмида прокуратура органлари томонидан мазкур йўналишда ўтказилган мониторингларда мева-сабзавотчилик йўналишидаги ҳўжалиklar билан қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқариш корхоналари ўртасида 77,4 минг тонна мева-сабзавот маҳсулоти етказиб бериш юзасидан 1 689 та шартнома тузилмаганлиги, 635 та шартномалар рўйхатдан ўтказилмаганлиги, фермер ҳўжаликлари 15,4 млрд. сўмлик аванс маблағи тўланмаганлиги, етказиб берилган маҳсулот учун 223,6 млн. сўм тўлаб берилмаганлиги, 498 та ҳолатда 7 359 гектар ердан мақсадсиз фойдаланилганлиги, 7 та ҳолатда ҳўжаликлари 8,1 тонна минерал ўғит, 165 та ҳолатда эса 134,6 тонна нефть ташланганлиги мuddатида етказиб берилмаганлиги аниқланиб, бартараф қилиниши таъминланган.

Ушбу йўналишда ўтказилган текшириш ва мониторинглар якунига кўра 1 092 нафар шахс интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортилиб, қўпол қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан 13 та жиноят ишлари қўзғатилган.

Солиқ тўловлари мамлакатимиз иқтисодий тараққиётининг асосий манбаи ҳисобланади. Топган даромаддан солиқ тўлаш ҳар биримизнинг конституциявий бурчимиздир. Солиқларни тўлаш орқали ҳар бир фуқаро жамият ривожига ва ҳақ фаровонлигига ўзининг баҳоли қудрат улушини қўшади. СВОЖДАЛҚК Департаменти ва унинг бўлиммалари томонидан бу масалаларга доимий эътибор қаратишмоқда. Вилоятимизда ҳам солиқ интизомини мустаҳкамлаш, солиқлар ва мажбурий тўловларни, давлатга етказилган зарарларни ундириш, тадбиркорлик фаолияти билан шўғулланувчи шахслар томонидан рўйхатдан ўтишдан бўйин товлаш, солиқ тўлашдан бош тортиб даромад қилаётган шахсларни аниқлаш, актив солиғи солинадиган товарларнинг ноқонуний ишлаб чиқарилиши ҳамда валютага оид жиноят ва ҳўқуқбузилиши ҳолатларига қарши курашиш мақсадида мунтазам тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Таъкиллаш жоизки, тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида жорий йилнинг 9 ойида жами 4 миллионда 493 миллион 300 минг сўм маблағ давлат бюджетига туширилишига эришилди.

Иқтисодиётни соғломлаштириш йўлида

Б.ХОЛМУХАМЕДОВ,
СВОЖДАЛҚК Департаментининг
Сурхондариё вилоят бошқармаси бошлиғи

Фуқароларнинг ҳамда давлат ва барча мулк шаклидаги ҳўжалик юритувчи субъектларнинг қонун билан қафолатланган манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган тадбирлар натижасида бошқарма томонидан 2011 йилнинг 9 ойи давомида 219 та текшириш ўтказилди. Аниқланган қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан 212 та жиноят ва 30 та маъмурий иш қўзғатилиб, 436 миллион 437,2 минг сўмлик ноқонуний муомалага қиритилаётган товар-моддий бойликларни ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан ўтказилган текширишлар ва тайинланган ҳўжатли тафтишлар натижасида 1 миллиард 828 миллион 200 минг сўмлик қўшимча солиқ ҳисобланиб, шундан 844 миллион 200 минг сўми ундирилди ва 731 миллион 800 минг сўмлик молиявий жарималар қўлланилиб, шундан 118 миллион 100 минг сўмининг ундирилиши таъминланди.

Ноқонуний фаолият юритаётган шахсларни тадбиркорлик субъектлари сифатида давлат рўйхатидан ўтказиш, фаолиятини тўхтатган тадбиркорларга амалий ёрдам қўрсатиш натижасида 576 та ҳўжалик юритувчи субъект рўйхатдан ўтказилиб, 726 та янги ишчи ўринлари яратилди, қўрсатилган амалий ёрдам натижасида ташкил этилган қўшимча ишлаб чиқариш қувватлари эвазига улар томонидан 326407,1 минг сўмлик қўшимча маҳсулотлар ишлаб чиқарилди ва қўшимча хизматлар қўрсатилди. Натижада бюджетга қўшимча 126577,2 минг сўмлик солиқлар ундирилди. 48 нафар тадбиркорга эса 125,9 миллион сўмлик кредит ажратиб беришда амалий ёрдам қўрсатилди.

Тадбиркорларнинг ҳўқуқларини ҳимоя қилиш доимий диққат марказида турибди. Департаментнинг Шеробод туман бўлими ҳодимлари томонидан 2011 йил 15 сентябрь куни фуқаро У.Аллабердиевнинг аризасига асосан тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилиш юзасидан ўтказилган текширишда ОАТБ "Агробанк" Шеробод филиали бош ҳисобчиси Ш.Аллаёров, ижрочи ҳисобчи Б.Равшанова ва бошқалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги Қарори талабларига зид иш юритганликлари фoш этилди. Улар банк миқозини бўлган "Автожизх-2004" ММТПнинг тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашиб, корхона ҳисоб рақамидан 3000,0 минг сўм пул маблағларини ҳеч қандай ҳўжатларсиз "Ангрен бурғулаш ва портлатиш ишлари" маҳсус давлат корхонаси ҳисоб рақамига ўтказиб юборишган.

Шўнингдек, ОАТБ "Агробанк" Шеробод филиали ижрочи ҳисобчиси Б.Равшанова ва бошқалар ўзaro олдидан жиноий тил бириктириб, "Автожизх-2004" ММТПдан 3650,0 минг сўмлик маҳсулотларни тўлов топшириқномаларини сохталаштирган ҳолда олиб, корхона манфаатларига жиддий зарар етказишган.

Мазкур ҳолат юзасидан Б.Равшанова ва бошқаларга нисбатан ЖКнинг тегишли моддаси билан жиноят иши қўзғатилди.

Халқ ҳўжалигининг барча соҳаларида ишлаб чиқариш, даромад ҳажмларини яшириш, сотилган маҳсулот, товарлар (ишлар, хизматлар) ҳажмларини камайтириб қўрсатиш, ҳуфиёна иқтисодий фаолият олиб бориш ҳолларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш мақсадида зарур чора-тадбирлар белгиланган. 2011 йилнинг 9 ойи давомида жами 44 та ҳолатда юридик ва жисмоний шахслар томонидан ҳовилларда ҳамда бошқа ёрдамчи ҳўжаликларда ноқонуний тарзда фаолият қўрсатаётган яширин цехлар аниқланди, 41 та жиноят ва 3 та маъмурий иш қўзғатилди, жами 53014,8 минг сўмлик истеъмолга яроқсиз маҳсулотлар ва ускуналар олиб қўйилди.



Муаммолар гирдобиди

ёҳуд Қарши шаҳрида қиш мавсумига тайёргарликнинг аҳволи хусусида



Табийки, қиш мавсуми коммунал хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг раҳбарлари ва бошқа мутасаддилар учун ўзига хос синов лаври. Қарши шаҳридаги тегишли ташкилотларнинг раҳбар ва мутасаддилари бу синовга тайёرمи? Истеъмолчилар узлуксиз равишда ва керакли миқдорда табиий газ, электр энергия, иссиқлик ва иссиқ сув билан таъминланиши учун зарур чоралар кўриганими? Мазкур соҳадаги муаммоларни бартараф этиш мақсадида тезкор тадбирлар ишлаб чиқилиб, камчиликлар ўз вақтида бартараф этилаётганими-йўқми?

Юқорида қайд этилган саволларга жавоб топиш мақсадида "Жанубгазтаъминот" унитар корхонасининг "Қаршигаз" филиалида бўлдик.

Филиал бошлиғи Тўлқин Ўроқовнинг берган маълумотида кўра, шаҳарда жами 49335 хонадон табиий газдан фойдаланади. Шундан якка тартибдаги аҳоли хонадонлари 29940 тани, кўп қаватли уйларида яшовчи аҳоли хонадонлари 19395 тани ташкил этади. Шунингдек, шаҳар ҳудудида 824 та улгуржи истеъмолчилар табиий газдан фойдаланишади.

2010 йил давомида аҳолига "Ўзтрансгаз" АК ва "Жанубгазтаъминот" УК томонидан 242.209,0 минг метр куб табиий газ етказиб берилган. Бунинг таннари 13 миллиард 574 миллион сўми ташкил этади. Аҳоли эса 4 087 832 минг сўмлик тўловни амалга оширган.

Улгуржи истеъмолчиларга 413285 минг метр куб миқдорда табиий газ етказиб берилиб, улар томонидан фойдаланилган табиий газ учун 2 867 652 минг сўмлик тўлов амалга оширилган. 2011 йилнинг 1 сентябрь ҳолатида аҳоли "Қаршигаз" шаҳар филиалидан 32 миллиард 456 миллион сўм, улгуржи истеъмолчилар эса 2 256 652 минг сўм қарз бўлиб турибди.

Т.Ўроқовнинг таъкидлашича, Қарши шаҳридаги газ қувурларининг асосий қисми 1966-1968 йилларда ўтказилган. Металл қувурларнинг фойдаланиш муддати 14-17 йилни ташкил этади. Эскирган газ қувурларини алмаштириш "Ўзтрансгаз" АКнинг режасига киритилган. Бироқ ҳозиргача улар на алмаштирилган ва на таъмирлаб берилган. Шаҳар ҳудудидаги Оточпар ва Араловул маҳаллаларида аҳоли соғи кесилгани йилларда тез ўсаяпти. Мейсани, биргина Оточпар маҳалласида ўтган йилнинг апрель ойида 839 хонадон бўлган бўлса, айти пайтда 1009 та хонадон мавжуд. Лекин берилаётган газ миқдори аҳоли сонига қараб қўйлатирилгани йўқ. Боз устига аҳоли ва улгуржи истеъмолчиларнинг газдан қарздорлиги катта.

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 майдаги "Истеъмолчиларнинг электр энергияси ва табиий газдан бўлган қарздорликларини халқовдан ўтказиш тўғрисида" ги фармойиши ижросини таъминлаш мақсадида Қарши шаҳри буйича 62 та ишчи гуруҳи тузилиб, фаолият олиб бормоқда.

Улар аҳолининг табиий газ ва электр энергиясидан қарздорлигини бартараф этиш, жуда бўлмаганда камайтириш билан шуғулланиши.

Хатлов кўнгулдагидек ўтказилиб, табиий газдан қарздорлиги юқори бўлган хонадонларга газ бериш тўхтатилса, бу адолатли қарор бўларди. Чунки хатлов кўнгулдагидек ўтказилса, шаҳардаги энг катта муаммолардан бири — истеъмолчиларнинг табиий газдан қарздорлигини камайтириш борасида аниқ бир тўхтамга келинади ва қандайдир ечим ишлаб чиқишга асос топилади эди.

Таъминотдаги узилишларнинг асосий сабаби қилиб кўрсатилган катта қарздорлик муаммоси халқовда ҳам ечимини топмай, ўз ҳолига қўйилса, аҳолининг норозилиги кучайиб, Қарши шаҳар ҳокимлиги ва "Жанубгазтаъминот" унитар корхонасининг "Қаршигаз" шаҳар филиали раҳбарлари муаммолар гирдобиди қолдири тайин.

Юқоридagi саволларга жавобларни "Қаршигаз" шаҳар филиали масъул шахсларининг силиқ қина ҳисоботларидан эмас, балки истеъмолчиларнинг мурожаатлари, уларнинг ариза ва шикоятларидан топа бўлади. Афсуски, бугунги кунда таҳририят ва бошқа юқори ташкилотларга мурожаат қилаётган истеъмолчиларнинг аксарияти "Қаршигаз" мутасаддиларининг қиш мавсумига умуман тайёр эмасликларини қайд этиб, уларга қониқарсиз баҳо қўйишмоқда. Қуйида сиз йиллаб табиий газ босимининг пастлигидан азият чекаётган, Қарши шаҳар ҳокимлиги ва шаҳар газ таъминоти идораси раҳбарларининг масъулиятсизлиги туфайли қўллаб муаммоларга дуч келаётган истеъмолчиларнинг фикрлари билан танишасиз.

Бўри ака СУВОНОВ,

Қарши шаҳридаги Оточпар маҳалласи, Раҳмат Файзий кўчаси, 34-уйда яшайди, меҳнат фахрийси:

— 2009-2010 ва 2011 йиллардаги кузги-қишги мавсумда табиий газ босими пастлигидан асабларимиз бўзилиб, нормал турмуш кечиролмадик. Бу йилги қишда ҳам аҳвол ўнганганиданга ўхшайди, чунки ёз ойларида ҳам газ босими юқори бўлмади. Октябр ойи бошланиши билан биз яшайдиган Раҳмат Файзий кўчасидаги хонадонларга етказиб берилаётган газ босими шу қадар пасайиб кетдики, ҳаммом ёқиб ёки тузукроқ овқат пишириш у ёқда турсин,

чой қайнатиш ҳам мушкул бўлиб қолди. Мурожаат қилмаган жойимиз қолмади. Қарши шаҳар ҳокимига ҳам хонадонларимизга йиллаб тоза ичимлик суви келмаётганлиги, газ босимининг ўта пастлиги ҳақида ариза билан мурожаат қилганмиз. Лекин афсуски, ҳеч қандай амалий натижа бўлаётгани йўқ. Масъулиятни ҳис этмаган кишиларнинг раҳбар бўлиб жойни эгаллаб ўтиришга ҳаққи борми? Масъул лавозимларда ўз ишини яхши биладиган, одамларнинг дардида қулоқ тутадиган малакали ва масъулиятли мутахассислар ишласа, менимча муаммоларнинг барчасини ҳал қилса бўларди.

Баҳром ҚОЗОҚОВ,

Каманди маҳалласи, Хумо кўчаси, 43-уйда яшовчи:

— "Қаршигаз"нинг шаҳар филиалидагилар мента "табиий газдан 314 минг сўм қарзингиз бор", дейишди. Аммо бунга асос қани? Хонадонимизга ўрнатилган ҳисоблагич кўрсаткичи буйича ҳар ойда ёқилган газ ҳақини тўлаб бораман. Лекин "Қаршигаз" шаҳар филиали маълумотлар базасида хонадонимизга ўрнатилган ҳисоблагич рақамлари ошириб кўрсатилган. Менинг газдан қарздорлигим ҳақидаги даввони "Қаршигаз"дагилар қаредан олишган? Ёки улар мен ва мен каби бошқа истеъмолчилар ҳисобидан беҳуда кетган сарф-харажатларни қоплашмоқчимиз? Ёки ўзларининг ишларидаги камчиликларни ёпмоқчимиз? Аҳолининг қарздорлигини сунъий равишда ошириб кўрсатишдан ким манфаатдор? Ишини урдадай олмаётган раҳбарларми ёки бошқа мутасаддилар? Нега мен кимларнингдир айби учун моддий ва маънавий зарар кўришим керак?

Биз жорий йилнинг 10 октябрда Баҳром Қозоқовнинг хонадониди бўлганимизда табиий газ йўқлиги туфайли улар ўчоқда овқат пиширишгаётган экан.

Мазкур маҳалланинг Адолат кўчаси, 6-уйда яшовчи меҳнат фахрийси Шокир Каримов ҳам уйи марказий линиядан бор-йўғи 200 метр узоқликда бўлса-да, газ йўқлигидан қийналишгаётганларини баён қилди.

Каманди маҳалласи ҳудудида жойлашган 27-мактабда бўлганимизда синфхоналар деразаларига целлофан қопқишгаётганининг устидан чиқдик. Мактаб қозонхонаси таъмирланиб, давлат стандарти кўригидан ўтказилган. Мактаб директорининг ўқув ишлари буйича ўринбосари Азиза Қойлованинг сўзларига қараганда, мактабнинг иситиш қозонхонаси газ билан ишлайди. Газ босими жуда паст бўлганлиги учун ўтган йилда у электр билан ишлашга ҳам мослаштирилган. Унинг қишда ишлаши газ босимининг нормал ҳолатда бўлиши ёки электр таъминотида узилиш бўлмастлигига боғлиқ. Шаҳар буйича истеъмолчилар-

нинг табиий газдан бўлган қарздорлиги ортиб кетганига, балки истеъмол қилинган газдан қарздорлиқни сунъий равишда ошириб кўрсатиш сабаб бўлгандир. Энди айтинг-чи, кимнингдир ҳисоблагичи кўрсаткичини ошириб кўрсатиш эвазига "иқтисод" қилинган табиий газ қайққа кетаяпти?

Қарздорлик борасида ҳисоб-китоб юритишда назоратчилар асосий роль ўйнайди. Чунки айнан улар мансаб йўриқномасига асосан ҳар ойда бир марта хонадон-ма-хонадон кириб, истеъмолчи иштирокида у ёқдан газ сарфи буйича далолатнома тузади. Ой якунида эса тузилган далолатномаларга асосланиб, ўз қулдуи доирасида сарф қилинган табиий газ тақсимоти буйича тупланган маълумотларни филиал абонент хизмати бўлимига тақдим этади. Ана шу асосда ҳар бир абонент билан алоҳида-алоҳида ҳисоб-китоб иши юритилади. Демак, кўп нарсана назоратчи тақдим этадиган маълумотнинг аниқлигига боғлиқ.

Расмий ҳатимиздаги аҳоли эҳтиёжини тўла қондириш учун қанча газ керак бўлади-ю, амалда қанча газ берилаяпти, деган саволимизга "Қаршигаз"нинг бошлиғи жавоб бермай қўя қолган. Бугунги кунда шаҳарга ажратилаётган газ ҳамма истеъмолчиларга етиши мумкин. Аммо бунинг учун, албатта, ҳудудда фаолият юритаётган барча ноқонуний улгуржи истеъмолчиларни, яъни газ қувурига рухсатсиз уланиб олган новвойхоналар, ошхоналар, иссиқхоналар, ишлаб чиқариш корхоналари, яширин цехларни тармоқдан узиб ташлаш даркор. Шунда шаҳар аҳолиси ўртасида норозиликлар келиб чиқмайди, истеъмол қилмаган газ учун пул тўланг, деб уларнинг эшигини ҳеч ким тақиллатиб безовта қилмайди.

Фикримизча, одамларнинг ҳақли эътирозларини инobatта олмаслик ва ҳамма айбни тўғиси катта миқдордаги қарзларни тўламай келаётган аҳолига алгарлиш алақачон "Қаршигаз" шаҳар филиали раҳбарларининг асосий иш принциплари айлانган. Аҳ ҳолда улар ўз ишларида бурилиш ясаб, аҳолининг ҳақли эътирозларини инobatта олишарди. Шаҳар аҳолиси коммунал соҳадаги муаммолардан қийналиб юрмасди.

18 октябр кун "Жанубгазтаъминот" унитар корхонаси бошқаруви раиси А.Худойбердиев ҳузурида бўлиб, Қашқадарь вилояти бийчи 239000 та хонадон хатловдан ўтказилгани ва аҳолининг ишлатилган табиий газдан 102 млрд. сўм қарздорлиги ҳақида маълумотга эга бўлдик. Шунингдек, у "Трансгаз" АКдан 730 метр 219 мм диаметри метал қувур олиб келтирилгани, у қувурлар орқали Шайхали кўрғонидан Каманди маҳалласига "Санжарбек фазоси" тўйхонаси рўпарасидан Оточпар маҳалласига зудлик билан қувурлар тортилажиги, шунда мазкур маҳаллалар хонадонларида табиий газ таъминоти яхшиланиши ҳақида гапирди. Шу кун "Қаршигаз" шаҳар филиали ди-

Норбўта ҲОЗИЕВ,
«Huquq»

ректори Т.Ўроқов ҳузурида бўлиб шаҳар буйича нечта хонадон хатловдан ўтказилгани ва қанча қарздорлик аниқлангани ҳақида сўраганимизда "ҳали якуний ҳулоса чиқарилгани йўқ" деган жавобни эшитдик.

Шаҳар аҳолисининг қарздорлиги қанча бўлишдан қатъий назар, бу бир йил давомида йигилиб қолган қарздорлик эмас. Т.Ўроқовнинг мазкур вазифага тайинланганига эса эндигина тўрт ой бўлибди. Филиал раҳбари ҳар олти ойда, узғи билан бир йилда алмаштирилади. Қарлар кўнимсизлиги эса ишда сўлжиш ясаётгани йўқ, балки муаммонинг ечимини янада чиғалаштираяпти.

Жайхун сервис хизмати маъмуиси ёнидан ўтган юқори босимли газ қувуридан Алишер Навоий ва Оточпар маҳалласи томонга тўртта катта-кичик қувурда газ тортиб кетилган. Агар у битта каттароқ қувурда тортилганида, биринчидан, газ таъминоти яхшиланди, иккинчидан, шаҳарнинг ҳуснини бузмасди, учинчидан, хавфсизлик нуқтаи назаридан мақбул бўларди. Бу ишлар "Жанубгазтаъминот" унитар корхона ва унинг филиали "Қаршигаз" раҳбарлари томонидан амалга оширилганда мақсадга мувофиқ бўларди.

Ҳа, қиш мавсумида табиий газ таъминотидаги муаммолардан Қарши шаҳри аҳолиси бир неча йиллардан бун қийналаяпти. Шунинг учун ҳам ҳозир бозорларга чиқиб қарасангиз хонадонларни иситиш ҳамда овқат пишириш учун мўлжалланган электр ғизоҳорлар, суяк ёниги билан ишлайдиган мосламалар ва ҳатто турли "қўлбола" печкалар ҳам харидорлар томонидан айлانган. Шаҳар аҳолисининг қўпчилиги Қарши шаҳар ҳокимлиги ва "Қаршигаз" шаҳар филиали раҳбарларининг ёлгон ваъдаларига ишонмай қўлиб, қишга ўтин-кўмир қамлашга тушишган. Шу тариқа табиий газ билан бекаму қўст таъминланиш лозим бўлган ва бунинг учун муайян миқдорда ҳақ тўлаётган истеъмолчилар ўз қуларини ўзлари кўришга мажбур бўлишаяпти.

Хазрат Умар давлат ишларидан бун пайтларда ҳужраларига қиранқарларда, ўзларини ўзлари қамчи билан савалар эканлар. Бунинг босини сўраганларга: "Райият устидан юритаётган ҳукмларимда бировларнинг ҳақиқа хилеят қилган бўлсам, бу жазолар хатторимга қадорат бўлсин", деб жавоб бера эканлар. Қарши шаҳар ҳокими Ш.Турсунов, "Жанубгазтаъминот"нинг "Қаршигаз" шаҳар филиали бошлиғи Т.Ўроқовлар ҳам буюк саҳобадан ўрнак олиб, ишдан бўш пайтларида хизмат вазифани виждондан бажараялмани, халқ мендан розими, деб ўзларига савол бериб кўришармикан? Агар савол беришса, жавобидан ўзлари қаноатланишармикан?

Жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлашнинг қонунчилик асослари янада такомиллаштирилди

[Давоми. Бошланиши 1-бетда]

Қонунни қабул қилишдан қўзланган асосий мақсад жиноят содир этганликда гумон қилиниб ушлаб турилган шахсларни (кейинги ўринларда ушлаб турилганларни) ва қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахсларни (кейинги ўринларда қамоққа олинганларни) қамоқда сақлаш тартиби ҳамда шарт-шароитларини қонуности ҳужжатлари, жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, вазирликлар ёки давлат идораларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан эмас, балки имкон қадар айнан қонун орқали белгилаш, шунингдек, қамоқда сақлаш тартиби ҳамда шарт-шароитларини халқаро стандартлар даражасида таъминлашнинг қонуний асосларини янада такомиллаштиришдан иборатдир.

Мазкур мақсаддан келиб чиқиб, ушбу Қонуннинг вазифалари сифатида ушлаб турилганларни ва қамоққа олинганларни қамоқда сақлаш тартиби ҳамда шарт-шароитларини, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари қафолатларини белгилаш эканлиги мустаҳкамлаб қўйилди.

Қонуннинг 4-моддасида қонунийлик, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, шахсининг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини муҳофаза қилиш, айбисизлик презумпцияси қамоқда сақлашнинг асосий принциплари, деб белгилаб қўйилди. Ўз навбатида, мазкур принциплар қонуннинг барча нормаларига қўйилган бўлиб, уни амалиётда қўлловчилар учун етакчи қоида бўлиб хизмат қилади.

Қонунда қамоқда сақлаш асослари аниқ қўрсатилган бўлиб, унга қўра, Жиноят-процессуал кодекснинг 225-моддасида назарда тутилган тартибда тузилган ушлаб туриш баённомаси ушлаб турилганларни қамоқда сақлашга ҳамда суднинг Жиноят-процессуал кодексига назарда тутилган тартибда чиқарган қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги қарори эса қамоққа олинганларни қамоқда сақлашга асос бўлиши қўрсатилди.

Шунингдек, Қонуннинг алоҳида моддасида ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларнинг ҳуқуқий ҳолати очиб берилди. Унга қўра, ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларнинг айбдорлиги қонунда назарда тутилган тартибда исботлангунга ва қонуний қўра қирган суд ҳукми билан аниқлангунга қадар айбисиз ҳисобланиши ҳамда улар қонунда назарда тутилган чеклашлар инobatга олинган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун белгиланган ҳуқуқларга, эркинликларга эга бўлиши ва мажбуриятлари бажариши қўрсатилди. Бундай норманинг белгиланиши айни пайтда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 11-моддасида белгиланган "Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир инсон ҳимоя учун барча имкониятлар таъминланган ҳолда, очик суд мажлиси йўли билан унинг айби қонуний тартибда аниқланмагунча айбисиз деб ҳисобланишга ҳақлидир", деган нормасига тўла мувофиқ келади.

Қонунда ушлаб турилган ва қамоққа олинган чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолатига оид норма ҳам белгиланиб, Ўзбекистон ҳудудида ушлаб турилган ва қамоққа олинган чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг равишда ҳуқуқлардан, эркинликлардан фойдаланиши ҳамда мажбуриятларини бажариши, факат Ўзбекистон Республикасининг қонуни ва халқаро шартномаларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно эканлиги мустаҳкамлаб қўйилди.

Энг муҳими, ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларга нисбатан қийноқлар, бошқа шафқатсиз, ғайрининсоний

ёки инсон қадр-қимматини камситувчи таъзиялар қўлланилишига йўл қўйилмаслиги қатъий белгилаб қўйилди. Бу эса, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш соҳасидаги асосий демократик тамойил ва талабларни ўзида муҳасам этган, бу соҳада бутун халқаро ҳуқуқ тизимини шакллантиришнинг сиёсий, ҳуқуқий асосига айланган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 5-моддасида белгиланган "Ҳеч ким қийноққа ёки шафқатсиз, ғайрининсоний ёки қадр-қимматини ҳўрловчи муомала ва жазога дўчор этилмаслиги керак", деган нормага тўла мувофиқдир.

Қонуннинг "Қамоқда сақлаш жойлари" номли 2-бобида ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларни сақлаш жойлари, жумладан, вақтинча сақлаш ҳибсхоналари ва тергов ҳибсхоналари тушунчаси, мазкур жойларда сақлашни мўкин бўлган шахслар ҳамда бундай жойларда сақлашнинг алоҳида ҳусусиятлари аниқ баён этилди. Шунингдек, ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларни сақлаш учун гауптвахталардан, тиббий муассасалардан ва жазони ижро этиш муассасаларидан фойдаланиш тартиби ва шартлари баён этилди.

Бундан ташқари, тергов ҳибсхоналаридан вақтинча сақлаш ҳибсхоналарига, жазони ижро этиш муассасаларидан тергов ҳибсхоналарига ўтказиш тартиби, қамоқда сақлаш жойларида режимни таъминлаш, қамоқда сақлаш жойларидаги ички тартиб ва қамоқда сақлаш жойларининг ходимлари каби масалаларга оид нормалар мустаҳкамланди.

Қонуннинг ўзига хос муҳим жиҳатларидан бири, унда ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларнинг ҳуқуқлари баён этилиши билан бир қаторда, белгиланган ҳуқуқларни амалга оширишнинг аниқ механизмлари қўрсатилган. Жумладан, ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларнинг муносабатларини юбориш тартиби, қариндошлари ҳамда бошқа шахслар билан ёзишмалари, ҳимоячиси, қонуний вакили, қариндошлари ва бошқа шахслар билан ўрашувлари, шахсий ҳавфсизлик ҳуқуқи, шунингдек, озиқ-овқат, моддий-маиший таъминоти, тиббий-санитария таъминоти, посилкалар, йўқловлар, бандероллар ва пул жўнатмаларини олиш ҳуқуқларини амалга ошириш механизмлари аниқ баён этилди.

Бундан ташқари, ушлаб турилганларнинг, қамоққа олинганларнинг фуқаролик-ҳуқуқий битимларда ва оилавий муносабатларда иштирок этиши, қамоққа олинганларни меҳнатга жалб этиш, шунингдек, мамлакатимизда аёллар ва вояга етмаганларга нисбатан алоҳида ёндашув нуктаи назардан келиб чиқиб, ҳомиладор аёлларни ва ёнида икки ёшга тўлмаган болалари бор аёлларни ҳамда вояга етмаганларни қамоқда сақлашнинг ўзига хос ҳусусиятлари ифодаланди.

Энг муҳими, қонунда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар тизимида юқори мавқега эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси (Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг) қамоқда сақлаш жойларига бориши билан боғлиқ инсон ҳуқуқларига оид халқаро стандартларга ва инсон ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш механизмига тўла мувофиқ келадиган норма мустаҳкамланди. Айтиш жоизки, ҳорижий давлатларнинг мазкур қонунга ўхшаш қонунлари таҳлили шуни қўрсатдики, уларда инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг қамоқда сақлаш жойларига бориши билан боғлиқ муносабатлар тартибга солинмаган. Бу ҳам бўлса, мазкур қонуннинг ижобий ютуқларидан бири ҳисобланади.

Қонунда ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларга нисбатан мажбуриятларини намунали бажарганлик, қамоқда сақлашнинг белгиланган тартиби ва шарт-шароитларига риоя этганлиги учун ташаккур эълон қилиш, илга-

Нодир МУХТОРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти
хўзуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари
мониторинги институти бош илмий
ҳодими, юридик фанлар номзоди
Шохрух МАЖИДОВ,
ҳуқуқшунос

ри қўлланилган интизомий жазони муддатидан илгари олиб ташлаш ёки ҳар кунги сайр вақтини қўпайтириш, вояга етмаганларга эса қўшимча кинофильм намойиш этиш, телекўрсатувлар томоша қилишни ташкил этиш, спорт машғулотлари хонасига қўшимча равишда кириш, шунингдек, бўш вақтни ўтказишнинг бошқа шакллари учун рухсат бериш каби рағбатлантириш чоралари қўлланилиши, борди-ю, белгиланган мажбуриятларни бажармаса, қамоқда сақлаш тартиби ва шарт-шароитларини, ажратиб қўйишни таъминлаш талабларини бузса тегишли интизомий жазо чоралари қўлланилиши мўкинлиги қатъий белгилаб қўйилди.

Қонуннинг "Қамоқда сақлаш жойларида ажратиб қўйишни, қўриқлашни ва назоратни таъминлаш" номли 6-бобида ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларнинг ажратиб қўйилишини таъминлаш талаблари, уларни камераларда алоҳида-алоҳида жойлаштириш, шунингдек уларни қўриқлаш ҳамда назорат қилиш, қамоқда сақлаш жойларига туташ ҳудудларда режим талабларининг таъминланиши ҳамда қамоқда сақлаш жойларида текзор-қидирув фаолияти каби бир қатор масалалар тартибга солинди.

Хусусан, ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларни камераларда алоҳида-алоҳида жойлаштириш ва сақлаш уларнинг шахсини ва психологик жиҳатдан мослигини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши, ҳаттоки чекувчилар имкони борица чекмайдиганлардан алоҳида жойлаштирилиши, жумладан, эркаклар аёллардан, вояга етмаганлар катта ёшлилардан, жиний жавобгарликка биринчи марта тортилаётган шахслар илгари озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланган шахслардан алоҳида сақланади, деб белгилаб қўйилди.

Шу билан бирга, Қонуннинг 7-бобида ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларни қамоқдан озод қилиш асослари ва тартибига оид нормалар баён этилган бўлиб, унга қўра суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори ёки суднинг қарори, шунингдек ушлаб туриш ёки қамоқда сақлашнинг Жиноят-процессуал кодексига назарда тутилган муддатни туғаш ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларни қамоқдан озод қилишга асос бўлади, деб белгилаб қўйилди.

Қонунда амалдаги қонуности ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш белгиланиб, эндиликда Вазирлар Маҳкамаси ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирилишини, давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта қўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминлаши лозим. Бу эса, ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларни қамоқда сақлашга оид амалдаги қонун ости ҳужжатларини ушбу Қонун мазмунидан келиб чиқиб, тўла қайтадан тайёрлаш, зарурат тўғрисида бекор қилиш, пировардида эса ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларни сақлаш шарт-шароитлари, уларнинг ҳуқуқларини мазкур қонун даражасида таъминлашга хизмат қилади.

Бундан ташқари, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, "Жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонун ҳам қабул

қилинган бўлиб, унга қўра Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ва Оила кодексига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Жумладан, Жиноят-процессуал кодексининг 216, 229, 231, 232, 233-моддалари чиқариб ташланди. Чунки, мазкур моддаларда белгиланган қоидалар ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларни сақлашга оид бўлганлиги учун ҳамда айни пайтда қамоқда сақлаш тўғрисида алоҳида қонун, яъни "Жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида"ги Қонун қабул қилинганлиги муносабати билан мазкур Қонунга ўтказилди ёки унинг тегишли нормаларига сингдирилди.

Жиноят-процессуал кодексининг 225-моддаси миллияси ҳодими ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органнинг ҳодими амалга оширилган ушлаб туриш ҳақида ушланган шахс миллияси муассасасига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга келтирилган пайтдан бошлаб ўн икки соат ичида прокурорга ёзма шаклда хабар бериши шарт, деган мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдирилди. Бу эса, ушлаб туриш процессуал мажбурулов чорасининг қўлланилганлигига прокурор томонидан ўз вақтида қонуний баҳо бериш имкониятини яратди, пировард натижада жиноятни содир этишда гумон қилинган шахсини ушлаб туришга ваколатли мансабдор шахсларнинг масъулиятини янада оширади.

Жиноят-процессуал кодексининг "Жиноят ишини судга юбориш" номли 388-моддаси агар айбланувчи қамоқда сақланаётган бўлса, ушбу модданинг иккинчи қисмида қўрсатилган ҳужжатлар прокурорнинг топширигига қўра унга қамоқда сақлаш жойининг маъмурияти томонидан улар келиб тушган кунни тилхат олиб топширилади, тилхат ҳужжатлар топширилган сана ва вақт қўрсатилган ҳолда судга тақдим этилади, деган мазмундаги учинчи қисм билан тўлдирилди ва ҳокazo. Бу орқали қамоқда сақланаётган айбланувчи айблов ҳулосаси ва унга қилинган иловаларнинг тасдиқланган нусхалари билан судгача танишиш имкониятига эга бўлади. Айни пайтда, қамоқда сақланаётган айбланувчига мазкур ҳужжатлар топширилганлиги ҳақидаги тилхатни судга маълумот тарикасида тақдим этилишининг белгиланганлиги, дастлабки терговда суд назоратини амалга ошириш механизминини яратди.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 210-моддаси номи ва диспозицияси янги тахрирда баён этилиб, эндиликда ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларни сақлаш жойларида сақланаётган шахсларга берилиши таъкидланган нарсаларни қўздан кечиришдан яшириб бериш ёки бошқа ҳар қандай усул билан беришга уриниш учун ҳам маъмурий жавобгарлик белгиланди.

Хулоса қилиб айтганда юқоридаги қонунларнинг қабул қилиниши, биринчидан, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ҳар қандай шарoитда ҳам олий қадрият эканлигини, инсон ҳуқуқларини халқаро стандартлар даражасида қонунлар орқали янада мустаҳкамлаётганлигини қўрсатди, иккинчидан, мазкур қонунлар бевосита таъдиб этиладиган қамоқда сақлаш жойларининг ходимлари фаолиятининг очиклигини, уларнинг ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганлар билан муносабатларини қонун орқали ҳуқуқий мустаҳкамлашга хизмат қилади. Пировард натижада ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларни сақлаш шарт-шароитлари ва тартибига инсон ҳуқуқлари ус-туворлигини, жиноятларни очиб ва олдинчи олишда демократик нормаларнинг қўлланилишини таъминлади.

Бола ҳуқуқлари ҳимояси — устувор вазифа

[Давоми. Бошланиши 3-бетда]

Бир сўз билан айтганда, "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши, биринчидан, бола ҳуқуқларига оид қонун ҳужжатлари кодификация қилинишига замин яратишга, иккинчидан, БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясида белгиланган бола ҳуқуқлари ҳимоя қилишга оид халқаро стандартларга миллий қонунчиликнинг мослигини таъминлашга, учинчидан, бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмнинг ошқора ва самарали бўлиши учун бола ҳуқуқларини ҳимоя қилинишининг аниқ кафолатларини белгилаб олишга имконият берди. Шунингдек, парламентимиз томонидан 2010 йилда "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарлик профилактикаси тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши бола ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлади. Яъни, ушбу қонун вояга етмаганларнинг назоратсизлигини ва улар ўртасида ҳуқуқбузарликлар келиб чиқишининг олдини олишга қаратилган комплекс ҳуқуқий чора-тадбирлар тизимини белгилаб берди.

Ўзбекистонда бола ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ва миллий қонунчилик нормаларини татбиқ этиш дастурий даражада амалга оширилмоқда.

Бола ҳуқуқлари ва болаликни ҳимоялаш соҳасида махсус узоқ мuddатли ижтимоий дастурлар ишлаб чиқиш давлат ҳуқуқий сиёсатини мустаҳкамловчи ва мувофиқлаштирувчи омил ҳисобланади. "Соғлом авлод" (2000 йил); "Она ва бола" (2001 йил); "Аёллар ва улгаётган авлод соғлиғини мустаҳкамлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" (2002 йил); "Оилада тиббий маданиятни юксалтириш, хотин-қизларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш, соғлом авлоднинг дунёга келиши ва тарбиялашга оид устувор йўналишларни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги (2002 йил) Давлат дастурлари шулар жумласидандир.

Ногирон болалар ва уларнинг ота-оналарига оид муаммоларни ҳал этишга мўлжалланган 2001-2005 йилларда ногирон болаларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш бўйича дастур давлатнинг болаларга нисбатан ижтимоий сиёсатини изчил амалга ошириши, шунингдек туғма ва наслий касалликларни илгарироқ аниқлаш ва болаликдан туғма ногиронликнинг олдини олишга қаратилган 2008-2012 йилларга мўлжалланган Давлат дастурини қабул қилишни тақозо қилади.

2006 йил "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" деб эълон қилиниши муносабати билан хайрия фаолиятини қучайтириш ва кенгайтириш, нотижорат сектори, ижтимоий кам таъминланган аҳоли қатламларини қўллаб-қувватловчи тадбиркорлик тузилмалари жамғармаларини ошириш

мақсадида ногиронларга, кексаларга, кам таъминланган оилаларга ва болаларга ёрдам кўрсатишни назарда tutувчи Давлат дастури қабул қилинди.

Мазкур дастурга кўра, етим болалар, ногирон болалар, кам таъминланган оилаларда тарбияланаётган болаларнинг аҳолини яхшилаш бўйича бир қатор тадбирлар мўлжалланди ва амалга оширилди, жумладан, таълим олиш, соғлиғини яхшилаш учун уларга моддий ёрдам берилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ижтимоий Комплекси 2007 йил 15 январда Ўзбекистонда болаларга меҳрибонлик кўрсатиш Миллий ҳаракат дастурини қабул қилди. Унда миллий миқёсда болаларга меҳр-муруват кўрсатишнинг энг устувор йўналишларини белгилаш, минтақавий ва маҳаллий даражаларда бола ҳуқуқларини таъминлаш ҳамкорлиги ва мониторинг тизимини шакллантириш назарда тутилди.

Юқорида номланган Дастурда бола манфаатларини таъминлаш жабҳасидаги аҳоли ва муаммолар таҳлил қилинди, оналик ва болаликни муҳофаза этиш борасида давлат сиёсати баён қилинди, дастурнинг талабларини 2007-2011 йилларда амалга ошириш учун комплекс чоралар белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 23 январдаги қарори билан тасдиқланган "Ижтимоий ҳимоя йили"га бағишланган Давлат дастури Ўзбекистонда болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини дастурий таъминлашга сезиларли ҳисса қўшди. Бу дастур етим ва ногирон болаларнинг ижтимоий ҳимоялаш бўйича махсус чораларни назарда тутган эди.

2008 йил Ўзбекистонда таълим-тарбия жараёнини янада такомиллаштиришни назарда тутган "Ёшлар йили" Давлат дастури қабул қилинди. Бу дастур ёшларнинг жамиятда фаол иштирокини кафолатлади, ўқув-таълим тизимининг сифатини ошириш учун унинг ҳуқуқий ва моддий-техникавий базасини мустаҳкамлашга ҳизмат қилди, болаларнинг санъат ва маданият соҳасида ижодий иқтидор ва қобилиятларини олдинроқ аниқлашга ва ривожлантириш учун шароитлар яратди ҳамда ёш оилаларни қўллаб-қувватловчи самарали тизимини амалга оширди.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари, шунингдек бола ҳуқуқлари соҳасида миллий қонунчилик ҳамда халқаро ҳуқуқ нормаларини бажариш бўйича махсус дастур ва режаларни амалга оширишга қаратилган фаолият кенг ривожланди.

Чунонки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июлдаги Қарори билан тасдиқланган одам савдосига қарши самарали курашни амалга оширишнинг 2008-2010 йилларга мўлжалланган миллий режалари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 10 сентябрдаги қарори билан тасдиқланган Ишга қабул қилишнинг энг кичик ёши тўғрисида кон-



венция ва Бола меҳнатининг энг ёмон шаклларини тақиқлаш ва тезликда уларга барҳам бериш бўйича чоралар кўриш тўғрисида конвенцияни амалга оширишга оид миллий ҳаракат дастури қабул қилинди.

Қишлоқ аҳолисининг, шу жумладан, болаларнинг яшаш шароитини яхшилашга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги Қарори билан тасдиқланган "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури катта ҳисса қўшди. Унда қишлоқ аҳолисининг соғлиғини муҳофаза қилишни яхшилаш, тиббий маданиятини, таълим-тарбия тизимининг сифатини юксалтириш назарда тутилди.

2010 йилда "Баркамол авлод йили" Давлат дастурининг қабул қилиниши бу борада амалга оширилган ишларнинг мантикий давоми бўлди. Дастур доирасида жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги ишларни изчил давом эттириш, жумладан болалар спортини янада ривожлантириш, шаҳар ва қишлоқларда замонавий спорт мажмуалари ва стадионлар бунёд этиш каби масалаларга катта эътибор қаратилди. Мазкур дастурда белгиланган вазифаларнинг изчил амалга оширилиши соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш, оммавий спортни, биринчи навбатда болалар спортини ривожлантириш борасидаги ишларни янада фаоллаштириш имконини берди. Масалан, болалар спорт объектлари ва сузиш ҳавзаларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш дастури бўйича 2010 йилда 95 та объект ишга туширилди, шунинг 61 таси қишлоқ жойларида фойдаланишга топширилган.

Маълумки, болалар манфаатларини қўлайладиган турли даражадаги махсус бошқарув тизимлари фаолият кўрсатмаса, бола ҳуқуқларини ҳимоялаш соҳасида давлат сиёсатини мақсадли амалга ошириш бўлмайд.

Бола ҳуқуқлари тўғрисида конвенция талабларини бажариш бўйича тегишли давлат тузилмалари фаолиятини мувофиқлаштирувчи орган —

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда унга қарашли вазирликлар ва идоралардир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ваколатига таълим, соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолининг ижтимоий муҳофазаси ҳамда бошқа соҳалар доирасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш қиради.

"Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-моддасига мувофиқ, Вазирлар Маҳкамаси вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳамда давлат ва ҳўжалик бошқарувининг бошқа органлари ишони мувофиқлаштириб ҳамда йўналтириб боради. Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳамда давлат бошқарувининг бошқа органлари ҳақидаги низоамлар Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Вазирлик ва идораларнинг фаолияти, шу жумладан, болаларнинг ҳуқуқлари масалалари бўйича фаолияти устидан назорат юритиб, Вазирлар Маҳкамаси вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва давлат ва ҳўжалик бошқарувининг бошқа органлари томонидан қонунларга зид чиқарилган ҳужжатларни бекор қилиш ваколатига эга. Бевосита бола ҳуқуқларини таъминлаш масалалари билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг умумтаълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳимоя масалалари бўйича Ахборот-таҳлил департаменти шўғулланади.

Бола ҳуқуқлари бузилгани тўғрисида фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқувчи ва мамлакат минтақаларида бу ҳуқуқларга риоя қилиш мониторингини ўтказувчи Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (Омбудсман) бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишда фаол қатнашади.

Мустақиллик йиллари мобайнида мамлакатимизда ҳам Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция қоидалари асосида бола ҳуқуқларини таъминлаш билан шўғулланган давлат органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш модели шаклланди. Масалан, "Соғлиқни сақлаш тўғрисида"ги Қонунда кўрсатилгани-

дек, Вазирлар Маҳкамасининг ваколатига фуқароларнинг соғлиқни сақлаш, оилани, оналикни ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича давлат бошқаруви органлари ҳамда ҳўжалик субъектларининг фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш қиради.

Бундан ташқари, айни пайтда Ўзбекистон Республикасида болалар ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини мониторинг ҳамда назорат қилиш миллий тизими йўлга қўйилган.

Ўзбекистонда болаларнинг ҳуқуқлари ҳимоялашнинг таъминлайдиган органлар ва ташкилотлар тизими, хусусан қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятларининг органлари, прокуратура, адвокатура ҳамда бошқа ҳуқуқни таъминлашга қўмлашувчи жуда кўп жамоат тузилмалари шаклланди.


Бола ҳуқуқларига бағишланган маърифий фаолият мактабгача ва мактаб таълим муассасаларида бола ҳуқуқлари бўйича таълим тизимини шакллантиришда, тегишли адабиётларни нашр этишда, семинар, тренинг, конференция, давра-суҳбати ва аҳоли билан учрашувларда, боланинг ҳолатини яхшилаш бўйича хорижий тажрибани ўрганишда ҳам ифодаланади.

Мамлакатимизда бола ҳуқуқлари тўғрисида аҳолини хабардор қилиш мақсадида кўплаб ишлар қилинмоқда. Бола ҳуқуқлари тўғрисида конвенцияга Ўзбекистон қўшилганидан бўён унинг қоидаларини аҳоли орасида кенг тарғиб қилиш бўйича маърифий ишлар олиб борилмоқда. Бу йўналишдаги ишлар кейинги йилларда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, ноҳукумат ва халқаро ташкилотлар иштирокида давом этмоқда. Хусусан, 2003 йилда Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ ЮНИСЕФ ва Ўзбекистон болалар фонди билан биргаликда Бола ҳуқуқлари тўғрисида конвенциянинг шарҳлари билан 1000 нусха, шу жумладан лотин ёзувида 500 нусха, 2003 йилда Бола ҳуқуқлари тўғрисида конвенцияни ўзбек тилида 3000 нусха, 2005 йилда 2000 нусха ўзбек тилида лотин ва кирил ёзувларида чоп этди.

Бундан ташқари, ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда илк бор "Бола ҳуқуқлари" дарслиги тайёрланди, чоп этилди. Шу билан бирга, айни пайтда республикамизнинг ҳуқуқшунослик йўналишидаги олий таълим муассасалари ўқув дастурига бола ҳуқуқлари бўйича махсус курс киририлган.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида бола ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ўзига хос миллий ҳуқуқий тизим шаклланиб буйиб, айни пайтда мамлакатимиз мазкур йўлда дадил қадам ташлаётган давлатлардан бирidir.

Номаялум «қабр»



Февраль ойининг сўнги ўн кунлиги. Қишнинг изгирини билан қўшининг илк нурлари танага ҳуш ёқди. Аксарият хонадон соҳиблари каби бугунги якшанбадан унумли фойдаланиш тараддуғида тушган Назармат ака (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ҳам пиёладаги чойини апи-тапи ичди-ю, ҳовлига чиқиб, қўлига кетмонни олиб, томорқа томон юрди.

— Ҳой, дадаси, чойингизни охиригача ичиб олмайсизми, — дея ортидан чиққан хотинига қарамай, ерга кетмон уриб кўрди. "Ҳа, ҳали етилишига озроқ бор экан. Ернинг заҳи ҳали қочмабди. Аммо гўнлаб қўйса зарар қилмасди". У шундай ҳаёллар билан кетмонга суяниб турган эди, ичкаридан чойнак-пиёла кўтарган хотини чиқиб келди.

— Шунча чақирсам ҳам индамай чиқиб кетдингиз-а? Орқангиздан жавраганча қолавердим. Мана, аччиққўна чой дамладим, ичиб олинг.

У қўлидаги чойнак билан пиёлаи бир четга қўяр экан, гапида давом этди.

— Ҳа, нима ҳаракат? Ер чопмоқчимсиз, киш тугашига ҳали бор-ку?

— Тўғри айтасан, ернинг ҳали заҳи қочмабди. Бекор ўтиргандан қўра, озроқ эрмак қилмоқчийдим. Кун ҳам бир тутам. Бирпасда қоронғи тушади.

— Бўлмаса, чойни ичкарига олиб қирайолмай?

— Шошма, шу ерда туратурсин. Фақат ўраб қўйсанг бўлди. Ер чопмасам ҳам, товухонадаги гўнгдан олиб чиқарман. Товуқларни-ку, туҳумдан чиқди, деб соттириб борадиган. Жойи барибир бўш ётибди...

Назармат ака ҳаш-паш дегунча анчагина гўнг қавлаб олиб, томорқача ағдариб келди. Ичкарига кириб, яна кетмон урган эди, "так" этган овоз чиқди. Бунгача ҳам анча мунча тош, сим ва суюқлар чиққани учун Назармат ака унчалик аҳамият бермай, ишида давом этди. Бирок, ҳар кетмон урганида кетмони қаттиқроқ нарсача урилаверди. Унинг нима эканлигига қизиққан Назармат ака эҳтиётлик билан ерни қавлаб бошлади. Ҳаёлида эртақлардаги каби бир хум тилла топадигандек ҳаяжонга тушган Назармат ака думалоқ шаклдаги суюқни кўриб, "э-э-э, қўйнинг қалласи экан-ку!" дея суюқни авайлаб қўлига олди: "Тавба, худди одамнинг қалла суюқига ўхшар экан", — деди-ю, айтган гапидан ўзи кўриб кетди. "Қалла суюқи бу ерда нима қилади? Ёки уйинчоқмикан-а?!" Назармат аканинг мияси яшин тезлигида ишлар, қўлидаги чанок ростдан ҳам одамникими ё ясама эканлигини билмай, боши қотган эди. "Шошма, хотиндан сўраб кўрай-чи! Балки у билар?"

Эридан бу хабарни эшитган хотини аввалига унинг гапларини ҳазилга йўйди.

— Ҳазилнингиз ҳам бор бўлсин. Товуқхонада одамни қалласи нима қилади? Бундан бошқа нарсача уйлаб тополмадингизми? — дея эрини қўлишига қарамай, Назармат аканинг қис-

тови билан унга эргашиб, товухонага келди.

— Мана...

Хотини унинг қўлидаги суюқни кўрқа-писа қўлига олар экан, шу заҳоти ташлаб юборди.

— Вой, дадаси, бу ростдан ҳам одам суюқи. Ростдан ҳам шу ердан топдингизми? Товуқхонага қаердан келиб қолдйкан? Вой, кўриб кетаялман? Энди нима қиламиз-а? Дадаси, нега индамайсиз?

— Шошма, нима қилишни ўйлаб олай. Одам суюқи бўлса, бу ерга қаёқдан келиб қолди? Ҳовлининг олдинги эгаси эсингизми? Қари кампир билан невараси... Ушалар билмасмикан?

— Менга қаранг, ўшалар билладими, бошқаларми, тезроқ одамларни чақиринг. Мелисаям хабар қилинг. Тезроқ келишин... Вой, Худойим-эй, энди нима қиламан-а? Ҳовлини олганимизга вақт икки йил бўлган бўлса, шундан бери шу қалла суюқи билан битта ҳовлида яшадикми? Ўзинг кечиргин Худойим...

Назармат ака вақтни ўтказмай маҳалла раисига учрашиш учун чиқиб кетди. Ундан бу гапни эшитган маҳалла раиси шу заҳоти маҳалла фуқаролар йиғини посбонига хабар қилди. Қўп ўтмай ички ишлар ходимлари етиб келиб, суриштирув ишларини бошлаб юборишди.

Денис эсини танибдики, бувиси билан бирга яшайди. Айтишларича, онаси уни гўдаклик чоғидаёқ ташлаб кетган, шунинг учун уни унчалик эслай олмади. Уни еру-қўкка ишонмай, пайпаслаб ўстираётган бувисининг меҳрибонликлари боис онасини сўрамай ҳам қўйган эди. Бувни билан неварача ахил-тотув яшашар экан, уларнинг осуда ҳаётларига бир кун келиб "кўз тегиши"ни хаёлларига ҳам келтиришмас эди. Бу кун эса қўп куттирмади.

Ўшанда Денис эндигина олти ёшга тўлган эди. Кўчадан ўйнаб уйга кирса, бувисининг ёнида бир аёл ўтирибди. Кейин билса, қизариб кетган қўзларича, алмойи-алхойи гап-сўзларидан яхшигина маст эканлиги аққол кўриниб турган ана шу аёл ўзининг онаси экан.

Онаси уни кўриб, хурсанд ҳам бўлмади, бағрига босиб эркаламади ҳам. Аксинча, Денисга аҳамият ҳам бермай, гоҳ ширин гаплар билан, гоҳида эса қўлларини пахса қилганча бақириб-чақириб бувисига алламаларни тушунтиришда давом этарди. Бувиси бўлса қўзлари жикча ёшга тўлганча бир унга қарар, бир Денисга термулар ва "йўқ, бекорларни айтибсан. Уни ҳеч кимга бермайман", дея бир гапни қайта-

қайта такрорлар эди. Денис эса онаси билан бувисининг нима ҳақда торттишишгаётганлигини тушунмади ҳам. Фақатгина онасининг "Ҳозир болаларни яхши пулга олишгаётган экан. Шунга Денисни сотмоқчиман", деган гапидан қўчиди-ю, кечгача бунни унутди. Бирок, боланинг хотирасида онасининг ўша пайтда айтган, аммо ўзи тушунмаган гаплари вақти-вақти билан жаранглаб турди.

Хуллас, эртаси кўни бувиси фермага ишга кетиши билан онаси бир парча қоғозга "Ойи, ҳамма яхшиликлар учун раҳмат", деб ёзди-да, эшик тирқишига қистириб, Денисни етаклаганча аллақайда олиб кетди. Улар анча юриб, бир хонадонга етиб келишди. Бироздан кейин онаси билан шу ерда уларни кутиб олган киши Денисни шаҳарга олиб чиқиб, айлантиришди. Қаттиқ чарчаганлиги боис кўчада ўхлаб қолган болақай эртаси кўни шовқин-сурондан ўйғониб кетди. Кўзини очса, тонг отар-отмас етиб келган бувиси онаси билан жанжаллашиб турибди. Бувиси "нега унақа қилдинг?" дея асабийлашганча бақирар, онаси бўлса қўли билан пашша қўригандек ҳаракатлар қилиб, бир нималар деб чулдиради. Ниҳоят онаси у ёқ, бу ёққа аланглаб, бир кун олдин Дениснинг кийимларини солиб, олиб келган сумкани топди-да, жажал билан кампирнинг олдига иргитди:

— Ма, ол. Менга сендан ҳеч нарсача керак эмас.

Бувиси бўм-бўш сумкани қўлига олар экан, боланинг кийимларини сўради.

— Кийимлар йўқ. Сотиб юбордим.

Шу пайтгача бир онасига, бир бувисига жавдираб, пиқ-пиқ йиғлаб ўтирган Денис ортиқ қидолмай, кампирга отилди-да:

— Буву, улар менинг кийимларимни сотиб, пулига ичишди, — деди хўнграганча.

— Бўлди, кўзичоғим, бўлди. Йиғлама. Ҳозир уйга кетамиз. Ўзим сенга янги кийимлар олиб бераман.

Улар уйга қайтиб келишгач, яна бирга яшай бошлашди. Онаси ҳам уларни қайта безовта қилмади. Орадан 7-8 йил ўтган, онаси бир пайтлар онаси уни олиб кетганди уларни кутиб олган киши билан пайдо бўлди. Яхшигина маст бўлишгани боис, шовқин кўтариб, кампирни ҳақорат қилишгаётганда, бувиси Денисни қўшнларини ёрдамга чақирш учун жўнатди. Уларнинг бахтига қўшнларини Абдуқўҳор ака уйда экан, чақирилмаган меҳмонларни уришиб, чиқариб юборди. Онаси билан "ўғай ота" си шу кетганча, беш йилгача қораларини ҳам қўрсатишмади.

Аммо, 2006 йилда яна Денисларнинг тинчлигига путур етди. Яна маст ҳолдаги она билан "ўғай ота", яна бақир-чақир, шовқин-сурон... Кайфлари ошгач, ётиб, тинчгина ухлашса майли эди, бемаза қилиқлари билан қўй-чув қилиб, тонг отиришар эди. Табиийки, бу нарсача ёши бир жойга бориб қолган кампирга ёқмас, унинг норозиликлари эса наэбатдаги жанжалга сабаб бўларди. Ана шундай жанжаллардан кейин бир йилча дараксиз кетган она яна ўша "ўғай" ота билан кириб келди.

Баҳриддин БОБОКЕЛДИЕВ,
Бекобод туман прокуратураси
терговчиси

Бу сафар нима учундир икковлари ҳам кампир билан яхши муносабатда бўлишди. Деяри ичмай, маълум даражада меҳрибон бўлганликлари сабабли кампир уларга ишониб Денис билан Ангрен шаҳрида яшовчи қариндошлариникига меҳмонга кетди. Қайтиб келганда эса уйдаги айрим нарсалар, жумладан, озиқ-овқат маҳсулотларининг ҳам анча қисми йўқолиб қолганини кўриб, хунуби ошди. Қизидан сўраган эди, билмайман, деган жавобни олди.

— Нега билмайсан? Бу ишни сендан бошқа ҳеч ким қилмайдди. Ахир шу пайтгача озмунча нарсани сотиб, ичмадингми?

— Ойи, менга тўхмат қилишга уялмайсанми-а? Қачон, нимангни сотиб юборибман? Ҳеч нарсача текканим йўқ. Қаёққа борсанг, боравер. Тавба, одам ўз қизига ҳам ишонмайдими-а?!

Кампир у деди, қизи бу, охир-оқибат улар яна жанжаллашиб қилишди. Орага "ўғай ота" ҳам қўшилиб, кампирга дўх ора бошлагандагина Денис ортиқ чидаёлмади. Орага тушиб, уларни уйдан ҳайдаб чиқарди. Орадан уч ойча вақт ўтган, ярим тунда эшик тақиллади. Денис уйқусираганча эшикни очар экан, қўзи аввал онасига, кейин унинг қўлидаги баклажачага тушди. Ноилоҳ уни уйга киритди. Ўша кунларда бувисининг тоби қочган бўлиб, деярли ухламаётган эди. Денис онасини кампирнинг ёнига киритиб, ўзи чиқиб кетди. Она-бола бироз суҳбатлашиб ўтиришгач, онаси ухлайман дея қўшни хонага чиқиб кетди, аммо ўрнига ётмади. Аксинча, гоҳ ҳовлига чиқиб, гоҳ ошхонага кириб, вақт ўтказди. Орада ўзи билан олиб келган баклажачадаги ичимликдан қўйиб, ичишни ҳам унутмади.

Денис бу сафар ҳам бақир-чақирдан ўйғониб кетди. У қўшни хонага чиққанда онаси ҳалигача маст бўлиб, бувиси билан жанжаллашиб ўтирар эди. Ахйир, кампирга қараб, "сенларга ўзи ҳеч нарсача ёқмай-диган бўлиб қолдибди" дея қаттиқроқ бақирган эди, Денис онасининг рўпарасига борди-да, "ойи, бўлди энди, — деди жажал билан. — Бизни шунча қийнаганингиз етар. Бас қиласизми, йўқми?" Онаси ундан бунки кутмаган чоғи, бир зум анкайиб турди. Кейин "сен арамашма" деди-да, бувисига ўтиришиб, уни итариб юборди. Кейин гандираклаганча ҳовлига чиқиб кетди.

— Буву, тузукмисиз? Бошингиз айланганга ўхшайди, ўтириб, дамнингизни олинг, — бувисининг ортидан югуриб чиққан Денис кампирни қўлтиқлаганча, диванга ётқизиб, ўзи онасининг орқасидан ҳовлига чиқди. Онаси зинапоёғи ёнида турган экан, унга кўзи тушиши билан, хўмрайди.

— Ойи, бизни қачонгача қўйнайсиз? Сизга нима етмайпти ўзи-а?

Онаси бўлса унга жавоб бериш ўрнига ҳақоратлаб, сўка бошлади. Бундан Дениснинг жажли чиқиб, энди бир-икки оғиз сўз айтган ҳам эди, ундан да баттар сўкиш эшитди. Энди у ҳам ўзини бошқара олмай,

қандай қилиб онасининг юзига шапалоқ тортиб юборганини сезмай қолди. Онаси батамом довдираб қолди. Қўзлари жикча ёшга тўлиб, индамай бурилди-да, ҳовлининг орқа томонига йўл олди. Жахлидан тушмаган Денис унинг ортидан юрди. Онаси уни қўриши билан нега келдинг, жонимга тегдинг-ку, дея яна сўка бошлади. Бу эса ёнаётган олов устига кerosин сепгандек бўлди-ю, Денис баттар тугақиб кетди.

— Ўзинглар-чи, ўзларингта нима керак? Бизларни нимага қийнайсанлар?

— Мен хоҳлаганимдек яшайман, билдингми?! Ўзи сенларга ҳеч нарсача ёқмай қолдибди, — онаси шундай деганча уни яна сўкиб, товухонага томон юриб кетди. Энди Дениснинг ҳам тоқати-тоқ бўлди. Онасининг маст-аласт аҳволда келиб, уларни турткилашлари, бувисининг қон-қақшаганча зор-зор йиғлашлари кўз олдидан бир-ма-бир ўтиб, асабдан титраганча онасининг кетидан юрди. Унга қандай етиб олгани-ю, қандай қилиб бўйиндан бўғиб олганини эслай олмади. Ўзига келиб, қўлларини бушатганда эса, онаси "шилқ" этиб ерга йиқилди. Денис унинг жонсиз танаси устида турар экан, ҳам жахлдан, ҳам кўрқувдан дағ-дағ титтар, қилиб қўйган ишини шуурига сиғдирилмас, хуллас, жонсиз ҳайкалдек қотиб қолган эди. У бироз шу аҳволда тургач, тўсатдан худди уйқудан қўчиб ўйонган одамдек сесканиб кетди-да, шоша-пиша онасини даст қўтариб, товухонага олиб кирди. Чукчурроқ жойни топиб, қавлади-да, жасадини кўма бошлади. Тупроқ етмаган эди, ташқаридан олиб кирди. Кейин бувисининг олди-га кириб, қилган ишини гапириб берав экан, бу ҳақда ҳеч кимга айтмаслиқни сўради, акс ҳолда қамалиб кетишини ҳам қўшиб қўйди. Бувиси нима ҳам қила оларди, рози бўлди.

Орадан бироз вақт ўтган, "ўғай ота"сининг ёнига борган Денис ҳеч нарсадан хабари йўқдек, онасини сўради. Ундан уч-тўрт кундан буён қўрқинмаяпти, деган жавобни олиб, орқасига қайтди. У энди бу ерда ортиқ яшай олмади. Шунинг учун бувиси билан мастлаҳатлашиб, ҳовлини сотишга қарор қилиб. Харидор ҳам тезда топилди. Назармат ака шаҳарчадаги икки хонали уйининг устига озроқ пул қўшиб, ҳовлини сотиб олди. Бувни билан неварача эса янги уйга қўчиб ўтишди...

Муқаддас китобларда нақл қилинишича, инсоннинг тақдирини ҳали у туғилмасидан оқибатга қўйилар экан. Шу билан бирга унга ақл ва фарosat ҳам берилиб, шу хислатларни ишга солиш эса инсоннинг инсон бўлиб яшашига асосий омил ҳисобланиши ҳаммамиз биллашимиз. Сиз танишган воқеада эса ўзининг гулдк умирини ичи-чекиш, пала-партиш ҳаёт тарзига ақлсизларча алмашган онанинг тақдирини ҳам қандай якун топиши мумкин эди?! Юқоридаги каби қилиқлари билан ўғлининг қотиллиққа қўл уришига ҳам, бетартиб ҳаётига чек қўйишига ҳам унинг ўзи сабабчи эмасми?

Бирок, нима бўлганда ҳам ҳар қандай жиноят жазосиз қолмаслигини унутмаслигимиз лозим.

Тўхмат тоши

Алишер Маманов икки ойча Россиянинг Санкт-Петербург шаҳри Кузмулово посёлоксига ишлаб келди. Аслида бу ерга божаси Шўхрат Бобоевнинг ёрдами ва тавсияси билан келган эди. Ҳар қалай ёмон ишламади. Биринчи марта банкнинг "контакт" пул ўтказиш йўли билан 200, кейин 300 АҚШ доллари хотинига юборди. Бошида ҳаммаси яхши эди.

Тўхмат Алишер уйига кириб келди. Қариндошлар унинг бу қилишга тушунишолмади. Ахир, бу ерда унинг иши юришмай, қайнопаси Гулжаҳонга илтимос қила-қила бир амаллаб божаси Шўхратни қўндиришганди-да. Шўхрат ҳам Алишернинг ишқомаслигини билар, шу сабаб олдинга "бу ерининг иши оғир, у ишлаб кетолмайди", деб кўнмади. Аввалига хотини, кейин қайнопаси ва қайсинглиси қайта-қайта илтимос қилаверганидан кейин рози бўлди. Аслида эса кейинги пайтлар Алишернинг иши умуман юришмай қолганди. Хотини Гаҳвар билан ҳар кун жижиллашарди. Бундан унинг қўлини задала бўлиб, "барини йўқчиликдан, эртага пул топиб келса, яхши яшаб кетишди", дейишарди.

Қашқадарёнинг Китоб туманида яшайдиган Алишер ҳужжатларини ва чипта пулини Пастдарғом туманидаги қайнопаси Гулжаҳонга йўловчи машина орқали етказди.

— Биз тарафда билет қиммат экан, Самарқанд томонларда арзонроқ бўлса билет олинг, — деди кўнгирик қилиб.

Гулжаҳон Жума шаҳридаги авиакассадлардан чипта суриштирганди, Алишернинг юборган пули етмади. "Майли, етиб олса қайтарар", деб ўзидан қўшиб билет олди. Билетни ва ҳужжатларни Китобга такси орқали қайтариб жўнатди.

Кўп ўтмай Алишер Россияга учиб кетди. Уни божаси Шўхрат кутиб олди. Ўзи ишлаётган жойга жойлаштирди. Яшайдиган жой топиб берди. Вақтинча бўлса ҳам рўйхатдан ўтказиб қўйди. Қўлига минг рубл пул берди. "Ҳали янгисан, сенга керак бўлади", деди гамаҳўрлик қилиб. Ўзи эса Пастдарғомга қайтди.

Орадан икки ойлар чамаси вақт ўтиб, унга Россиядан кимдир кўнгирик қилди.

— Божан Алишер қани? Цехдан усқуналарни ўғирлабди.

Шўхратнинг жажли чиқиб кетди. "Ахир бу нима деган гап? Отаси қилмаган яхшиликни қилиб келсан-у, бу ҳаммаёқни бузиб чиқсан-я". Зудлик билан Китобга, қайсинглиси Гаҳварга телефон қилди:

— Алишер қани? Келдимми?

— Йўқ, ҳали келмадиларми? Нега сўраясиз? — деди кўнгли бир гашилни сезиб Гаҳвар.

— Шундоқ, ўзим, — деди Шўхрат подадан олдин чанг чиқаришни истамай.

Орадан бир неча кун ўтиб, Алишернинг ўзи уйига кириб келди. Сўраганларга мужмалроқ жавоб берган бўлди. Келганининг учинчи куни қайнопаси Гулжаҳонга қўнгирик қилиб:

— Эрининг Россияда иккита хотини бор, шунинг учун сенга пул жўнатмаган, сен аҳмоқсан, — деди дабдурустан. Унинг мақсадига тушунолмаган Гулжаҳон жавоб қайтармай қўйди. Алишер энди мобил хабар юборишга киришди. "Икки боланг сенга имконият, менга душанбага пул етказмасанг, сен билан бошқача гаплашаман", деган хабар келди телефонига. Гулжаҳон Китобга, онасига телефон қилиб вазиятни тушунтирди. "Алишернинг мақсадини билинг-чи, нега унақа қилаётган экан?" деди. Онаси кўеви Алишерни излаб топди, унинг муддаосини тингларган бўлди.

— Гулжаҳон 700 минг сўм пул берсин, бўлмаса, Шўхратнинг сирларини онаман, унинг хотинлари кўп, қизингиз аҳмоқ, — деди. Ҳар хил гап-сўзлардан чарчаган Гулжаҳоннинг жони ҳалқумига келди. Китобга, Алишернинг онаси олдига бориб, кўевини қақиртирди. Алишер эски гаплари билан Гулжаҳоннинг асабига тега бошлади. Ҳаззаби қайнаб кетган Гулжаҳон: — Эрининг хотини бўлса, сенга нима? — деди.

Жанжал тобора авж олаётган



Рустам ИСЛОМОВ, Самарқанд вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

эди, орага Алишернинг қайнонаси ва акаси Қахрамон тушди.

— Сенга пул керак бўлса, мен бераман, уни тинч қўй, — деди қайнонаси.

— Йўқ, сиз аралашманг, Самарқанддан бойвачча қизингиз ўзи келибдим, энди пулни ўзи беради. Энди у икки ярим миллион сўм берсин. Кейин тинч қўяман, — деди Алишер.

— Қўлингдан ҳеч нарсаси келмайди, — бўш келмади Гулжаҳон ҳам.

— Агар пул бермасанг, эринг ва сенинг устидан мени Россияга олиб сотиб юбориб, ишлаган пулларимни бермаганлигинг ҳақида керакли жойларга арз қиламан.

Боши қотиб қолган Гулжаҳон кўеви Алишер Мамановнинг устидан шикоят қилиб Китоб туман ИИБга борди. Оқибатда, тезкор тадбир натижасида А.Маманов Г.Нормуродовдан пул талаб қилиб олаётганда қўлга тушди. Икки ишлар ходимлари Алишерни қамаб қўйишди. Шундан сўнг Алишер ва унинг қариндошлари ҳам қараб ўтиришди. Қайнопаси ва божаси устидан Пастдарғом туман ИИБга арiza ёзишди. Иш жиддийлашиб, судга оширилди. Суд эса барчасига оидинлик киритди. Алишер Мамановнинг аяқларига тўхмат қилганлиги маълум бўлди. Суд айбдор Алишер Мамановни 4 йил 6 ойга озодликдан маҳрум қилди.

У қочиб яширинишга уринмади. "Тез ёрдам"га етиб келган шифокорлар Марҳабонинг (исмлар ўзгартирилган) жони узилганини қайд этганларидан кейин ҳам уйдан чиқиб кетмади. Дастлабки терговда қилмишига қисман иқдор бўлиб, кўрсатма берди:

— Онамни бузқўқа йўйиб, ҳақорат қилганимга ўзимни тута олмадим. Жоним ҳалқумимга келиб, пичоқ санчиб қўйдим...

Кўнгилдаги доғ

Шерзодбек МИРЖАВҲАРОВ, Ўзбекистон туман прокуратураси терговчиси

Бешариқлик 29 яшар Меҳмонали муқаддам судланган эди. Жазони ўтаб қайтач, турли юмушлари бажариб, ниҳоят, қўшни Ўзбекистон туманининг Яйпан шаҳрида қўни топди. Қўлига дурустроқ иш ҳақи текканида қўнгли айишратни тусди. Таниш йигит енгилтабиат бир аёлнинг телефон рақамини берди. Турмуш қурмаган 27 ёшли Марҳабо фоҳишаларни "қасб" қилиб олган эди. Беш-олти йил аввал отаси бевақт вафот этганидан кейин оиланинг тўғич фарзанди тирикчилик дея ўзини ўққа-чўққа урди. Номусига тегиб қўйган, уйлана-ман, дея ваъда қилган сўйган ёри "қуён" бўлганидан кейин бошини қайси тошга уришни билмай қолди. Енгилтабиат аёллардан бири уни ўз йўлига бошлади. Ичкиликка берилди.

Ойни этак билан ёпиб бўлмайди. Кўп қаватли уйлардан иборат турар жой мавзесида таниш-билишлар сир бой бермай, салом-алиқни қанда қилмасалар-да, шивир-шивир гаплар онасини қулоғига етиб бора, уларгай бораётган икки ўғли билан бу ердан узокроққа бош олиб кетиш тарафдўига тушганди. Ижарага ер олиб, деҳқончилик билан болаларини оёққа турғизиш ниятида эди. Айни ўша кезларда, 2008 йилнинг ёз ойларида Марҳабо турмушга чиқди.

Қамалиб чиққан йигитнинг муомаласи-ю, ўзига бир матоҳ каби қарамаётганини сезган аёл сипо тортиди. Ичкиликни, суюққўликни бас қилди. Никоҳ ўқитиб, бирга яшашни тақдир қилганида жон деб рози бўлди. Шу тарика Меҳмонали Марҳабо билан турмуш қурди. Қайнонаси ижарага олган кўп қаватли турар жой биноларидан биридаги уйда яшай бошлашди.

Аввалига турмушлари бинойидек эди. Бирок, шаръий хотини ўзигача қўлма-қўл бўлиб юргани ҳақидаги гап-сўзлар Меҳмоналининг қулоғига чалинганда маст бўлиб олиб саволга тутар, уриб башарасини қўқартирарди-ю, кайфи таркаганидан кейин, ҳеч гап бўлмагандай, ишга бориб қайтаверарди. Гоҳида Бешариққа, ҳовлиларига бориб турарди. Сўнгги бор бораганида онаси суюнчилади:

— Холисахон бир яхши қиз бўлган, уйдагиларни қўндирдим. Оқ қўнли қилиб қўйдик. Худо хоҳласа, баҳорда тўй қиламиз.

Меҳмонали Холисахонни қўриб юрарди-ю, дурустроқ разм солмаган экан. Аяси айтганидай чиройли, гап-сўзлари ҳам маънили қиз бўлибди. 4-тўрт марта қўришиб, қизни ёқтириб қолди. Холисахон ҳам, гарчи қамалиб чиққан бўлса-да, қўринишидан меҳр-оқибатли йигитга қўнғил қўйди...

— Уйлангиларми? — Марҳабо эшиқдан кириши биланқоқ жанжал бошлади.

— Нима қилай, онамни раъийгаям қарашим керакми, у шунчаки ҳовлида ўтирадиган хотин. Тўйдан кейин ҳам сен билан бирга яшайвераман.

Марҳабо тинмай бобилаётганида онаси кўевининг жонига аро кирди.

— Бас, қил. Уйланса нима бўпти, ҳозир қўш хотинлилар камми? Айтаяпти-ю, сеням ёлғизлатиб қўймайди.

Шу тарика Марҳабонинг онаси уларни муросага келтирди. Февраль ойида Қашқадарёга онаси деҳқончилик қилсақ, уй-жойли бўлиб оларимдик, дея қўевиға, болаларига маслаҳат солди. Марҳабо Меҳмоналининг оғзига қаради.

— Мен ҳам бирга кетаман, — дегач, юзига қизил югурди.

Меҳмонали гапида давом этди:

— Сизлар бораверинглар, мен март ойи бошларида етиб бораман.

Улар Қашқадарёнинг Нишон туманига жўнашди. Ижарага икки гектар ер гаплашиб қўйишди. Меҳмоналидан дарак бўлавермагач, 2011 йил февраль ойининг охирида Марҳабо Яйпанга қайтди.

11 март куни никоҳ тўйи бўладиган Меҳмонали эса уникида яшаб юраверди-ю, Холисахонга Яйпандаги ўртоғинининг уйида турибман, деди. Бўлажақ келин хавотир олиб ўша манзилга бораганида уларни бирга учратди.

— Бу ишлагани кетган ўртоғининг хотини, — деди Марҳабо-ни таништираётди. Йигит ташқарига чиққанида аёл Холисахондан унаштирилган қиз сизми, дед сўради. Ундан "ха" деган жавобни эшитгач, гапида давом этди:

— Меҳмонали шу ерлик Дилрабо деган қиз билан юрган. Қувонч деган ўғилчаси ҳам бор. Ҳозир мен билан яшаяпти.

Холисахоннинг юраги чил-парчин бўлди, аммо сездирмади. Энди кеч, келгуси ҳафта тўй. "Мени дейди, қўйилиб қолади" дея ўзини юпатди.

8 март куни Марҳабо телефонда Меҳмоналини қақириб олди. У берган пулга дўхондан ароқ билан майда-чўйда олиб келди. Овқатланиб бўлишгач, кайфи ошган Марҳабо яна ўша ғалвани бошлади:

— Уйланиб олиб, меникига келмай қўясиз...

Меҳмонали ҳам маст бўлиб қолган эди. Сўкинган эди, аёл ҳам шунга яраша жавоб қайтарди.

— Сен фоҳишани кимлар билан бўлганингни Бешариқдаги ўртоқларим ҳам биларкан.

— Ажаб бўпти. Ўзинг тозамасан? Ўзингни онанг ҳам ҳўп юрган!

Бу гапни эшитиб, ақли бошидан учган Меҳмонали дастурхондаги пичоқни чангаллади-ю, ўтирилиб ўтирган аёлнинг кураги остига санчди.

Сўнгга қўшни аёлга телефон қилди:

— Марҳабо ўлаяпти. Дўхтир қақиринг...

Қўшни аёллар чиқишди. Кимдир "Тез ёрдам" қақирди. Врачлар етиб келишганида Марҳабонинг жони узилган эди.

Нопок ишлари туйғайли икковларининг ҳам қўнғилларини энгалам доғ охи-оқибат фоҳишани келтириб чиқарди.

Қалтис қадам

Аллақачон глобал муаммога айланган гиёҳвандлик моддаси билан боғлиқ жиноятларнинг кейинги пайтларда ёшларни ҳам ўз домига тортиши ачинарли ҳақиқатлар. Ёшларни жамият ривожига жиддий хавф туғдирувчи бундай оғир иллат гирдобига тушишдан асраш борасида аввало, уларга таълим-тарбия беришда энг илғор усуллари қўллаш ҳамда гиёҳвандликнинг асоратларини жонли мисолларда кўрсатиш яхши самара беради.

Яқинда жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоятининг Ангрэн туман судида икки нафар шахсининг жиноий қилими қўриб чиқилди. 2011 йилнинг январида Ангрэн "Автошохбека" да Самад Субхонов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) икки ўрамда, жами 8,45 грамм марихуанани Анвар Аҳмедовга сотаётган вақтда қўлга олинди. Йигитлар воқеа жойидан милиция таянч пунктига олиб келинди.

Гиёҳвандлик моддасининг олди-сотдисида иштирок этган йигитлар муқаддам судланмаган бўлиб, ачинарлиси Анвар Аҳмедов гиёҳвандлик моддасини истеъмол қилишга одатланган экан.

Самад судгача бўлган тергов жараёнларида Анвар унинг доимги мижози эканлигини ҳам айтиб ўтган эди. У ноқонуний даромад топишнинг бундай йўлини 2010 йилдан буён амалга

Ш.ЗУФАРОВ,
Тошкент транспорт прокуратураси катта терговчиси
Гули ХОЖИБОВЕВА,
«Huquq»

ошириб келишини, шунингдек, ҳеч қандай ишламаслигини ва гиёҳвандлик моддаларини сотиш билан кун қўришини айтиди. Тўғри, қора қозон қайнаб турмаса кун қўриш қийин. Қолаверса, ҳалол меҳнат билан умргузaronлик қилишга нима етсин! Аммо Самад бошқача йўлни танлаган экан. Гиёҳвандлик моддаларини олди-сотдиси билан шуғулланишдан ташқари у ўзи истикомат қилаётган уйнинг подвалда уларни ўстириш ишларини ҳам йўлга қўйганлиги аниқланди. Унинг уйи милиция ходимлари ва гувоҳлар иштирокида тинтув қилинганди у ердан бир қанча гугурт қутиларига қурилган "марихуанга" ва гиёҳвандлик моддалари топилди.

Ҳар қандай жиноят исзис ёки жазосиз қолмаслиги муқаррар. Судда судланувчилар ўзларига қўйилган айбга тўлиқ иқдор бўлишди. Суд ҳукми қилди. Гиёҳвандлик воситаларини қонунга хилоф равишда олиш, сақлаш ва ташвиш каби жиноятларни содир этган Самад Субхонов ва Анвар Аҳмедовлар қилишларига яраша жазосини олишди. Ахир, ҳар ким эканлигини ўради, деб бежизга айтишмайди.

Телефон: (+99895) 600 97 17,
E-mail: bg_rictor@list.ru

■ Тўйхат ўрнида

Муборак бўлсин!



1951 йилнинг 22 октябрыда Тошкент шаҳрида таваллаудан Рафаил Бахтияров меҳнат фаолиятини анча эрта, 16 ёшида Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бirlашмасида чилангарликдан бошлаган. Ёш Рафаил ўз олдига улкан орзулар қўйган йигитлардан эди. Ана шу орзулар уни олий маълумот олиш учун Тошкент Халқ ҳўжалиги институти сари етаклади. 1975 йилда институтни муваффақиятли тамомлагач, ҳарбий хизматга кетди.

Қўп йиллар халқ ҳўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилган Рафаил Закариевич 2001 йилдан Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек туман прокуратураси ҳузуридаги Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш бўлими катта инспектори вазифасида иш бошлади.

Хозирда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖДЛҚК Департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси режими-мафий бўлим катта инспектори вазифасида ишлаб келаётган Рафаил Бахтияров бугун 60 ёшини қаршиламоқда.

Ўз билим ва таҳрибаларини ёш мутахассисларга ўргатишдан чарчамайдиган Р.Бахтияровдан шогирдлари миннатдор.

Қутлуг 60 ёшини муборак, хурматли Рафаил ака! Сизга ва оила аъзоларингизга соғлиқ-саломатлик тилаймиз. Хонадонингиздан тинчлик ва фаровонлик, қут-барака аримасин. Фарзандларингиз, дўстларингиз, ҳамкасбларингиз бахтига омон бўлинг!

Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖДЛҚК Департаменти жамоаси

Насаф ОФК финалида

18 октябрь куни Иорданиянинг Аммон шаҳрида ОФК кубогининг ярим финал жавоб учрашуви бўлиб ўтди. Унда қаршиликлар "Ал-Вихдат"га қарши майдонга чиқиди. Хабарингиз бўлса, бу икки жамоанинг дастлабки ўйинида "аждарлар" кичик 1:0 ҳисобида ғалаба қозонган эди. Айнан шу натижа жавоб ўйинида жуда қўл келди. Ўйиннинг ilk дақиқаларида майдон эгалари биров эсанкираб қолишди чамаси, оддийгина вазиятларда хатоликларга йўл қўя бошладди. Рақиб ҳимоячиларининг ноаниқ ҳаракати натижасида тўпга эгалик қилган Иван Бошқович ҳам ҳужумни ривожлантиришда сусткашликка йўл қўйди. Сал ўтмай "Насаф" жамоасида яна бир қўлай имконият юзага келди. Бироқ меҳмонлар бу сафар ҳам имкониятни қўлдан бой бериди.

Ҳажонини босиб олган майдон эгалари аста-секин ўзларига келишди ва рақиб дарвозаси томон юришни бошлашди. Бу эса ўз мевасини берди. Меҳмонлар жарима майдони яқинда белгиланган жарима зарбасини ажойиб тарзда голга айлантира олган 11-рақамли футболчи ўйиннинг 11-дақиқасида ҳисобни очди. Бу ҳисоб на у, на бу жамоани қониқтирмаслиги сабаб ҳар икки томон

ҳам ҳужумга зўр берди. Бироқ биринчи бўлимда шу ҳисоб сақланиб қолди.

Қаршиликлар иккинчи бўлимни анча тезкор ва ҳужумкор руҳда бошлашди. Ўз навбатида майдон эгалари ҳам ҳисобдаги фарқни ошириш пайида бўлишди. Ўйиннинг 62-дақиқасида чап қанотда яхши ҳаракат қилган Андрей Переплёткиннинг рақиб жарима майдонида узатган тўпини Иван Бошқович боши билан дарвозага тўғрилаб қўйди ва ҳисобни тенглаштирди. Бу натижа қаршиликларни бутунлай қониқтирарди. Аммо рақиблар учун эса яна икки гол зарур эди. Шу сабаб ҳам майдон эгалари ҳужумга зўр беришди. Бу мезбонларга қўл келиши мумкин эди. Ана шундай қарши ҳужумлардан бирида Лутфулло Тўраевнинг зарбаси дарвоза устунига тегиб қайтди.

Ўйин сўнгига қадар 1:1 ҳисоби ўзгармай қолди ва "аждарлар" Ўзбекистон клублари ораси биринчилардан бўлиб ОФК кубоги финалига йўл олган жамоа сифатида тарихга кирди. Бундан ташқари, "Насаф" умумий ҳисобдаги ғалабаси билан финалнинг Қарши шаҳрида бўлиб ўтишини таъминлади.

Эслатиб ўтамиз, финал 29 октябрь куни бўлиб ўтади.

Халқаро майдонларда мамлакатимиз шаънини ҳимоя қилаётган Қаршининг "Насаф" жамоаси ОФК кубогининг финалига йўл олди.



Давлатов ва Мирабдуллаев Европада



Яқинда тарқалган маълумотларга кўра, Мексика яшил майдонларида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида иштирок этган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоасининг икки нафар аъзоси Европа жамоалари кўригидан ўтишмоқда. Ҳимоячи Жавлон Мирабдуллаев ва Бобур Давлатовлар билан айнан қайси клуб қизиқаётгани ҳақида ҳозирча аниқ маълумот мавжуд эмас.

Ёдингизда бўлса, ўтган йилги ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионатидан сўнг терма жамоамиз сардори, ярим ҳимоячи Аббосбек Махсалиев Франциянинг "Монако" клуби кўригидан ўтганди. Жамоа мураббийлари футболчимиз борасида жаҳон чемпионатидан кейин бирор фикрга келишларини маълум қилишганди. Айни жаҳон чемпионати пайтида ҳам бир қатор футболчиларимиз билан Европанинг машҳур клублари қизиқаётганиги ҳақидаги хабарлар тарқалган эди. Бироқ кейинчалик бу борада ҳеч қандай янгилик содир бўлмади. Ишқилиб, бу сафар ҳаммаси биз истасандек бўлиб чиқсин.



CHAMPIONS LEAGUE

18 октябрь оқшомида Чемпионлар лигаси гуруҳ босқичининг 3-тури доирасида бир қатор учрашувлар бўлиб ўтди.

Чемпионлар лигасини муваффақиятсиз бошлаган "Манчестер Юнайтед" ниҳоят ғалаба қозонди. Мадриднинг "Реал" клуби эса ўз уйида "Ливерпуль"ни 4:0 ҳисобида тор-мор келтирди. Қўйида қолган натижалар билан танишинг:

Европа Чемпионлар лигаси

Наполи - Бавария - 1:1 (1:1, 0:0)
Голлар: 0:1 - Кроос (2), 1:1 - Бадштубер (39, автогол).
Манчестер Сити - Вильярреал - 2:1 (1:1, 1:0)
Голлар: 0:1 - Кани (4), 1:1 - Марчена (43, автогол), 2:1 - Агуэро (90).
ЦСКА - Трабзонспор - 3:0 (1:0, 2:0)
Голлар: 1:0 - Думбия (29), 2:0 - Цаюня (76), 3:0 - Думбия (86).
Лилль - Интер - 0:1 (0:1, 0:0)
Гол: 0:1 - Падзини (21).
Оцелул - Манчестер Юнайтед - 0:2 (0:0, 0:2)
Голлар: 0:1 - Руни (64, пенальти), 0:2 - Руни (90, пенальти).
Базель - Бенфика - 0:2 (0:1, 0:1)
Голлар: 0:1 - Бруно Сесар (20), 0:2 - Кардосо (75).

Спорт хабарларини **Максудали ҚАМБАРОВ** тайёрлади

натижалари

Реал Мадрид - Ливерпуль - 4:0 (1:0, 3:0)
Голлар: 1:0 - Бензема (19), 2:0 - Хедира (47), 3:0 - Льюис (55, автогол), 4:0 - Рамос (81).
Динамо Загреб - Аякс - 0:2 (0:0, 0:2)
Голлар: 0:1 - Борриттер (49), 0:2 - Эриксен (90).

Ўтганларнинг охираати обод бўлсин!

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖДЛҚК Департаменти жамоаси Департаментнинг Хоразм вилоят бошқармаси бошлиги Бахтиёр Касимовга падаири бузруквори

Уткур отанинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Huquq
yuridik gazeta

Muassis:
O'zbekiston
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi

Bosh muharrir:
Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:
Abbosxon SANGINOV, Muxtor ZOIROV,
Gulnoza RAHIMOVA, Yusufoy G'OIPOV,
Svetlana ORTIQOVA,
Baxtiyor NAZAROV (Bosh muharrir o'rinbosari),
Shavkat YODGOROV (mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo
G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-40,
233-10-53
Faks: 233-10-53,
233-64-85

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.
Sotuvda kelishilgan narxda

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqiriz
qilinmaydi va egalarga qaytarilmaydi.
Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan
farqlanishi mumkin.
«HUQUQ» materiallarini ko'chirib
bosish faqat tahririyat ruxsati bilan
amalgal oshiriladi.
□ — tijorat materiali.
Reklama materiallarining mazmuni
uchun tahririyat javobgar emas.

Nashr ko'rsatkichi
231

Buyurtma j-2957. 51 890 nusxada bosildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida teriladi va
sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatdagi muharrir: O'.DEHQONOV
Musahhih: M.QAMBAROV
Navbatdagi: O'.DEHQONOV
Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta «O'zbekiston» nashriyat matbaa ijodiy uyida chop etildi.
Korxona manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Gazeta O'zbekiston
Respublikasi matbuot va
axborot agentligida 2009-yil
12-oktabrda 0188-raqam
bilan ro'yxatga olingan.

